



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ХУДУДИЙ МАРКАЗИ

4.1
МОДУЛ

**ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА
ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР**

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2018

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ҲУДУДИЙ МАРКАЗИ**

**ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ ФАНИНИ
ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР
ВА ИННОВАЦИЯЛАР
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖУМА

**Малака тоифа
йўналиши:**

**Тингловчилар
контингенти:**

Она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари

**умумий ўрта таълим мактабларининг
Она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари**

Тошкент – 2018

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил _____даги _____-сонли буйруғи билан тасдиқланган она тили ва адабиёти фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш тоифа йўналиши ўқув режаси ва дастури асосида тайёрланди.

Тўзувчилар: **Ғ.Эшманов** – Низомий номидаги ТДПУ хузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази “Тилларни ўқитиш методикаси” кафедраси мудири, ф.ф.н.

Ш.Эргашева – Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги етакчи мутахассиси, ф.ф.н.

Тақризчилар: **Ш.Неъматов** – Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бош мутахассиси, п.ф.н.

М.Сапарниёзова – Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети доценти, ф.ф.н.

Ўқув-услубий мажмуа А.Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти илмий кенгашининг 2018 йил _____даги _____-сонли баённомаси билан маъқулланган ва нашрга тавсия этилган.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| I. ИШЧИ ДАСТУРИ..... | 5 |
| II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ..... | 13 |
| III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ | 24 |
| IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ..... | 58 |
| V. КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ | 64 |
| VI. КЕЙСЛАР БАНКИ..... | 72 |
| VII. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ | 75 |
| VIII. ГЛОССАРИЙ | 77 |
| IX. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ..... | 80 |

The text is framed by two large, dark blue, L-shaped brackets. The left bracket is on the left side, and the right bracket is on the right side, both pointing towards the center text.

ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Ишчи дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931-сонли Қарори, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда уларнинг касбий компетентлигини оширишни назарда тутди.

Дастур мазмуни Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузаларида жамият ривожи ҳамда таълим-тарбия масалалари, халқ таълимининг ҳуқуқий-меъёрий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, она тили ва адабиёт фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий усулларини ўз ичига олади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режаси асосида шакллантирилган бўлиб, она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари фанга оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, ўқув-услубий фаолиятини мунтазам юксалтириш билан боғлиқ билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантиради.

“Она тили ва адабиёт фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар” ўқув модули малака ошириш жараёнида фан ўқитувчиларини соҳадаги янгиликлар, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, янги методик қўлланма ва тавсиялар, адабиётлар билан таништиришга, эгаллаган билим, кўникма, малака ва компетенцияларини келгусида амалиётга татбиқ этишга йўналтиради.

“Она тили ва адабиёт фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар” ўқув модулининг ишчи ўқув дастури она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари малакасини ошириш курсининг ўқув дастури асосида

тузилган бўлиб, фанни ўқитишнинг замонавий усул ва методлари билан таништиради.

Ўқув модулининг мақсад ва вазифалари

Модулнинг мақсади: умумий ўрта таълим мактаблари она тили ва адабиёт фани ўқитувчиларининг таълим-тарбия жараёнида замонавий ёндашувлар ва инновацияларни қўллаш компетенцияларини ривожлантириш.

Модулнинг вазифалари:

- тингловчиларда она тили ва адабиёт фанини ўқитишда замонавий ёндашувларни татбиқ қилиш, инновацион технологиялардан фойдаланиш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш;
- она тили ва адабиёт дарсларида замонавий таълим воситалардан фойдаланишни ривожлантириш;
- она тили ва адабиёт фани назарияси ва уни ўқитиш методикаси ютуқлари, фаннинг техника ва ишлаб чиқаришга қўлланиши бўйича тадқиқотлар билан таништириш.

Ўқув модули бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Модулни ўқитиш жараёнида тингловчи:

- таълим соҳасидаги инновацион фаолият асосларини;
- она тили ва адабиёт фанини ўқитишда қўлланиладиган замонавий ёндашувлар ва инновацион технологияларни;
- она тили ва адабиёт ўқитишда қўйиладиган ҳозирги замон талабларини билиши;
- она тили ва адабиёт фанининг мазмуни, воситалари, методлари ва шаклларининг узвийлиги ва изчиллигини таъминлаш;
- она тили ва адабиёт дарсларида таълим ресурсларидан фойдаланиш;
- ўқитиш мазмунига оид ахборотларни қайта ишлаш, умумлаштириш ва ўқувчиларга етказиш кўникмаларига;
- она тили ва адабиёт дарсларида замонавий инновацион педагогик технологияларни қўллаш;
- она тили ва адабиёт дарсларига қўйиладиган замонавий талаблар асосида дарсларни ташкил этиш малакаларига;
- замонавий ёндашувлар ва инновациялардан касбий фаолиятда фойдаланиш;
- она тили ва адабиёт фани назарияси ва уни ўқитиш методикаси ютуқлари, фаннинг техника ва ишлаб чиқаришга қўлланиши бўйича тадқиқотларидан хабардор бўлиш компетенцияларига эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Она тили ва адабиёт фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар фани назарий ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Назарий машғулотларда она тили ва адабиёт фанини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар ва инновацион технологиялар ҳақида маълумотлар берилади.

Амалий машғулотларда она тили ва адабиёт фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновацион технологияларнинг қўлланилиши, замонавий таълим воситаларидан фойдаланиш усуллари, она тили ва адабиёт дарсига қўйилган замонавий талаблар ўргатилади.

Машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усуллари билан фойдаланиш назарда тутилади.

Ўқув модулининг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Она тили ва адабиёт фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар” ўқув модули мазмуни ўқув режадаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузаларида жамият ривожига ҳамда таълим-тарбия масалалари”, “Илғор таълим-тарбия технологиялари ва жаҳон тажрибаси”, “Таълимда ахборот-коммуникация технологиялари”, “Она тили ва адабиёт фанини ўқитиш методикаси” ўқув модуллари билан узвий боғлиқликда ўқитилади ҳамда фан ўқитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Асосий қисм (маъруза)да модулнинг мавзулари мантиқий кетма-кетликда келтирилади. Ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар ва тезислар орқали очиқ берилади. Бунда мавзу бўйича тингловчиларга етказилиши зарур бўлган билим ва кўникмалар тўлиқ қамраб олинishi керак.

Асосий қисм сифати мавзуларнинг долзарблиги, уларнинг таълим тизимида амалга оширилаётган ўзгаришлар ва талабларга, мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ва демократик ўзгаришларга мослиги, Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни қамраб олиши билан белгиланади. Мавзуларни ёритишда фан ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари эътиборга олинishi тавсия этилади.

Ўқув модулининг таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар она тили ва адабиёт фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновацияларни ўрганиш, уларни

амалда самарали қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Ўқув модулининг соатлар бўйича тақсимоти

| № | Мавзулар | Ҳаммаси | Жами ўқув юкلامаси | Жумладан | | | Мустақил таълим |
|---|---|-----------|--------------------|----------|-----------|----------------|-----------------|
| | | | | Назарий | Амалий | Кўчма машғулот | |
| 1 | Таълимда замонавий ёндашувлар ва ислохотлар | 4 | 4 | 2 | 2 | | |
| 2 | Таълимда халқаро баҳолаш дастурлари – PISA, PIRLS, TIMSS | 4 | 4 | 2 | 2 | | |
| 3 | Она тили ва адабиёт фани ўқитувчиларининг компетентлиги даражасига қўйиладиган талаблар | 2 | 2 | 2 | | | |
| 4 | Она тили ва адабиёт дарсларида қўлланиладиган замонавий технологиялар ва инновациялар | 8 | 6 | 2 | 4 | | 2 |
| 5 | Замонавий дарс ва унга қўйиладиган талаблар | 2 | 2 | | 2 | | |
| 6 | Кўчма машғулот | 4 | 4 | | | 4 | |
| | Жами: | 24 | 22 | 8 | 10 | 4 | 2 |

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу. Таълимда замонавий ёндашувлар ва ислохотлар

Она тили ва адабиёт фанларининг компетенциявий ёндашувга асосланган янги дастури, унинг мазмун-моҳияти, таркибий қисмлари. Компетенция тушунчаси. Таянч компетенциялар ва уларнинг мазмуни. Фанга оид компетенциялар. Она тили ва адабиёт дарсларида таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантириш усуллари.

2-мавзу. Таълимда халқаро баҳолаш дастурлари – PISA, PIRLS, TIMSS

Халқ таълими тизимига оид илғор хорижий тажрибаларни ўқув-услубий адабиётларни она тили ва адабиёт фани орқали тушунчалар бериш ва бугуннинг талаблари асосида янгиликларни жорийлантириш. Таълим сифати, савияси ва даражасини аниқлаб берувчи халқаро баҳолаш дастурлари – PISA (ўқувчиларни таълимдаги ютуқларини баҳолаш халқаро дастури), PIRLS (матнни ўқиш ва тушуниш даражасини аниқловчи халқаро тадқиқот), TIMSS (мактабда математика ва аниқ фанлар сифатини тадқиқ қилувчи халқаро мониторинг) халқаро дастурлари ҳақида маълумот. Халқаро баҳолаш дастурларининг таълим сифатини янада оширишдаги ўрни ва аҳамияти.

3-мавзу. Она тили ва адабиёт фани ўқитувчиларининг компетентлиги даражасига қўйиладиган талаблар

Давр талаби билан она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари олдида қўйилган вазифалар. Замонавий дарс ва уни ташкил этувчи ўқитувчининг компетентлиги. Фан ўқитувчисига қўйиладиган давлат талаблари. Она тили ва адабиёт ўқитувчисининг педагогик маҳорати.

4-мавзу. Она тили ва адабиёт дарсларида қўлланиладиган замонавий технологиялар ва инновациялар

Таълим жараёнига замонавий технологиялар ва инновацияларни жорий қилишнинг зарурати ва аҳамияти. Замонавий педагогик технологияларнинг турлари. Она тили ва адабиёт ўқитишда самарали бўлган замонавий метод ва усуллар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу. Таълимда замонавий ёндашувлар ва ислохотлар

Таълим тизимига замонавий технологияларни жорий этишнинг зарурати ва аҳамияти. Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим ва унинг ўқувчи шахсини ривожлантиришдаги ўрни. Ўқувчи шахсини ривожлантиришга қаратилган таълим. Ўқувчиларни билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларни эгаллашга хизмат қилувчи метод ва усуллар.

2-мавзу. Таълимда халқаро баҳолаш дастурлари – PISA, PIRLS, TIMSS

Халқ таълими тизимига оид илғор хорижий тажрибаларни ўқув-услубий адабиётларни она тили ва адабиёт фани орқали тушунчалар бериш ва бугуннинг талаблари асосида янгиликларни жорийлантиришга оид тажрибалар. PISA – ўқувчиларни таълимдаги ютуқларини баҳолаш халқаро дастури тестларини тузишда эътибор қаратилган жиҳатлар. PIRLS – матнни ўқиш ва тушуниш даражасини аниқловчи халқаро тадқиқот бўйича мавжуд тушунчаларни амалиётда мустаҳкамлаш.

3-мавзу. Она тили ва адабиёт дарсларида қўлланиладиган замонавий технологиялар ва инновациялар

Дидактик ўйинли дарсларнинг ўзига хос хусусиятлари, мазмуни ва моҳияти. Она тили ва адабиёт фанини ўқитишда фойдаланиладиган дидактик ўйинли дарсларнинг турлари: сюжетли-ролли, конференциялар, ўйин машқлар, дидактик ўйинларни ўтказиш: тайёргарлик, ўйин жараёни, таҳлил ва умумлаштириш босқичлари, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш йўллари билан таништириш, дидактик ўйинли дарсларни ўтказиш бўйича тавсиялар бериш, ушбу дарсларда фойдаланиладиган дидактик материалларни тайёрлаш кўникмаларини ҳосил қилиш.

4-мавзу. Замонавий дарс ва унга қўйиладиган талаблар

Замонавий дарс ва унинг асосий белгилари. Она тили ва адабиёт фани бўйича дарсдан ташқари машғулотларда педагогик ва инновацион, ўйинли технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш. Она тили ва адабиётдан дарс ишланмасини яратиш ва лойихалаштириш.

5. Кўчма машғулот. Олий таълим муассасида дарс кузатиш, илм-фан ва методика соҳасидаги янгиликлар билан танишиш

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университетида дарс кузатиш. Университет профессор-ўқитувчиларининг илмий-тадқиқот фаолияти билан танишиш. Она тили ва адабиёт фани назарияси ва уни ўқитиш методикаси соҳасидаги янгиликлардан хабардор бўлиш.

Кўчма машғулот “Она тили ва адабиёт фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар” фани доирасида талаб даражасидаги моддий-техника базасига эга ва илмий-услубий жиҳатдан тажрибали профессор-ўқитувчилар ҳамда мутахассислар фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасаларининг тегишли кафедралари, илмий-текишириш институтлари ва бошқа муассасаларда ташкил этилади.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Модулга оид ўрганилган материаллар асосида “Она тили ва адабиёт фанини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар ва инновацион технологиялар” мавзусида мустақил иш бажарилади. У асосида малака ишининг кириш қисми тайёрланади.

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

| № | Баҳолаш турлари | Максимал балл | Баллар |
|----------|---|----------------------|---------------|
| 1 | “Она тили ва адабиёт фанини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар ва инновацион | 3 | 3 балл |

| | | | |
|--|---|--|--|
| | технологиялар” мавзусида мустақил иш (малака иши мавзуси мисолида) | | |
|--|---|--|--|

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур ўқув модули бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган топшириқлар ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (топшириқлар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

БИНАР МАЪРУЗА. “Бинар”сўзи лотинчадан олинган бўлиб, “кўш”, “икки” деган маънода қўлланилади. Бундай машғулотнинг олиб борилиши икки вакил: ўқитувчи ва методист; ўқитувчи ва ўқувчи; таклиф этилган мутахассис ва ўқитувчи; ўқитувчи ва тьютор (маслаҳатчи) ўртасидаги интерфаол суҳбат, баҳс-мунозара ва ахборотлар алмашинувини намоён қилади.

Жараёни бундай ташкиллаштиришдан кўзланган асосий мақсад янги ўқув маълумотлари ва ахборотларини икки мутахассис ёки иштирокчи нуқтаи-назарларини таққослаш орқали ёритиб беришдан иборат.

ТРЕНИНГ. Тренинг замонавий таълим шаклларида бири ҳисобланиб, у интерфаол машғулотларни амалга оширишнинг ўзига хос кўринишидир.

Тренинглар ўрганилиши лозим бўлган назарий ғоя ва фикрларни амалий иш ҳамда машқлар давомида ўзлаштириш имкониятини беради ва таълим олувчиларда шахслараро ўзаро ҳамкорликнинг самарали кўникмасини шакллантиришга, шунингдек, мутахассис касбий компетентлигининг умумий даражасини оширишга йўналтирилади.

Ҳар қандай педагогик тренингни ташкил этиш қуйидаги босқичлардан ташкил топади:

1. Ташкилий босқич: гуруҳни йиғиш ёки шакллантириш.

2. Бошланғич босқич: гуруҳ меъёрларини ишлаб чиқиш, танишув ва машғулотдан кутувларни аниқлаш.

3. Фаолиятли босқич: тренинг тури ва ўтказиш методикасини белгилаш.


4. Якуний босқич (рефлексия).

Тренинг мобайнида талабалар назарий маълумотларни ўзлаштириш билан бирга, уларда билиш, эмоционал ва хулқ-атвор кўникмалари ҳам ривожланиб боради.

“КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ” МЕТОДИ – таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.



“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг афзаллиги:


- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари:

- баъзи кичик гуруҳларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

“ДАВРА СУХБАТИ” МЕТОДИ – айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида таълим берувчи мавзунини бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради. Қуйида “Давра суҳбати” методининг тузилмаси келтирилган



Давра столининг тузилмаси

Ёзма давра суҳбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади.

“Давра суҳбати” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.

3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва “Жавоблар варақалари”га ўз исми-шарифини ёзади.

4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.

5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.

6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варақалари”дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.


7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варақалари”ни баҳолайди.

8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади.

Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

“ИШБОП ЎЙИН” МЕТОДИ - берилган топшириқларга кўра ёки ўйин иштирокчилари томонидан тайёрланган ҳар хил вазиятдаги бошқарувчилик қарорларини қабул қилишни имитация қилиш (тақлид, акс эттириш) методи ҳисобланади.

Ўйин фаолияти бирон бир ташкилот вакили сифатида иштирок этаётган иштирокчининг ҳуққ-атвори ва ижтимоий вазифаларини имитация қилиш орқали берилади. Бир томондан ўйин назорат қилинса, иккинчи томондан оралиқ натижаларга кўра иштирокчилар ўз фаолиятларини ўзгартириш имкониятига ҳам эга бўлади. Ишбоп ўйинда роллар ва ролларнинг мақсади аралашган ҳолда бўлади. Иштирокчиларнинг бир қисми қатъий белгиланган ва ўйин давомида ўзгармас ролни ижро этишлари лозим. Бир қисм иштирокчилар ролларини шахсий тажрибалари ва билимлари асосида ўз мақсадларини белгилайдилар. Ишбоп ўйинда ҳар бир иштирокчи алоҳида ролли мақсадни бажариши керак. Шунинг учун вазифани бажариш жараёни индивидуал-гуруҳли характерга эга. Қуйида “Ишбоп ўйин” методининг тузилмаси келтирилган.



“Ишбоп ўйин” методининг тузилмаси

“Ишбоп ўйин” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу танлайди, мақсад ва натижаларни аниқлайди. Қатнашчилар учун йўриқномалар ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади.
 2. Таълим олувчиларни ўйиннинг мақсади, шартлари ва натижаларни баҳолаш мезонлари билан таништиради.
 3. Таълим олувчиларга вазифаларни тақсимлайди, маслаҳатлар беради.
 4. Таълим олувчилар ўз роллари бўйича тайёргарлик кўрадилар.
 5. Таълим олувчилар тасдиқланган шартларга биноан ўйинни амалга оширадилар. Таълим берувчи ўйин жараёнига аралашмасдан кузатади.
 6. Ўйин якунида таълим берувчи муҳокамани ташкил этади. Экспертларнинг хулосалари тингланади, фикр-мулоҳазалар айтилади.
 7. Ишлаб чиқилган баҳолаш мезонлари асосида натижалар баҳоланади.
- Ҳар бир ролни ижро этувчи ўз вазифасини тўғри бажариши, берилган вазиятда ўзини қандай тутиши кераклигини намойиш эта олиши, муаммоли ҳолатлардан чиқиб кетиш қобилиятини кўрсата олиши керак.


“РОЛЛИ ЎЙИН” МЕТОДИ - таълим олувчилар томонидан ҳаётий вазиятнинг ҳар хил шарт-шароитларини сахналаштириш орқали кўрсатиб берувчи методдир.

Ролли ўйинларнинг ишбоп ўйинлардан фарқли томони баҳолашнинг олиб борилмаслигидадир. Шу билан бирга “Ролли ўйин” методида таълим олувчилар таълим берувчи томонидан ишлаб чиқилган сценарийдаги ролларни ижро этиш билан кифояланишса, “Ишбоп ўйин” методида роль ижро этувчилар маълум вазиятда қандай вазифаларни бажариш лозимлигини мустақил равишда ўзлари ҳал этадилар.

Ролли ўйинда ҳам ишбоп ўйин каби муаммони ечиш бўйича иштирокчиларнинг биргаликда фаол иш олиб боришлари йўлга қўйилган. Ролли ўйинлар таълим олувчиларда шахслараро муомала малакасини

шакллантиради.

“Ролли ўйин” методида таълим берувчи таълим олувчилар ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлиши лозим. Чунки ролларни ўйнашда ҳар бир таълим олувчининг индивидуал характери, хулқ-атвори муҳим аҳамият касб этади. Танланган мавзулар таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасига мос келиши керак. Ролли ўйинлар ўқув жараёнида таълим олувчиларда мотивацияни шакллантиришга ёрдам беради. Қуйида “Ролли ўйин” методининг тузилмаси келтирилган.



“Ролли ўйин” методининг тузилмаси

“Ролли ўйин” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича ўйиннинг мақсад ва натижаларини белгилайди ҳамда ролли ўйин сценарийсини ишлаб чиқади.
2. Ўйиннинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади.
3. Ўйиннинг мақсадидан келиб чиқиб, ролларни тақсимлайди.
4. Таълим олувчилар ўз ролларини ижро этадилар. Бошқа таълим олувчилар уларни кузатиб турадилар.
5. Ўйин якунида таълим олувчилардан улар ижро этган ролни яна қандай ижро этиш мумкинлигини изоҳлашга имконият берилади. Кузатувчи бўлган таълим олувчилар ўз якуний мулоҳазаларини билдирадилар ва ўйинга хулоса қилинади.

“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- ✓ барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- ✓ “ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;

- ✓ фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- ✓ билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
- ✓ бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.



Баҳс-мунозара” методининг тузилмаси

“Баҳс-мунозара” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.

3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.

4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қилади.

5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

“МУАММОЛИ ВАЗИЯТ” МЕТОДИ - таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига,

ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. «Муаммоли вазият» методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Қуйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган.



“Муаммоли вазият” методининг тузилмаси

“Муаммоли вазият” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қилади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.

3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади.

4. Кичик гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ тақдимот қилади. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиладилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қиладилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўллари ишлаб чиқадиладар.

7. Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиладилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.

8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим

берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўллариининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.

“ЛОЙИХА” МЕТОДИ - бу таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиха ишлаб чиқиш якка тартибда ёки гуруҳий бўлиши мумкин, лекин ҳар бир лойиха ўқув гуруҳининг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир.

Лойиха ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбиқ этиши, таълим олувчилар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини ярата оладиган бўлиши керак. Қуйидаги чизмада “Лойиха” методининг босқичлари келтирилган.

“Лойиха” методининг босқичлари

“Лойиха” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:



1. Муҳандис-педагог лойиха иши бўйича топшириқларни ишлаб чиқади. Таълим олувчилар мустақил равишда дарслик, схемалар, тарқатма материаллар асосида топшириққа оид маълумотлар йиғадиладар.

2. Таълим олувчилар мустақил равишда иш режасини ишлаб чиқадиладар. Иш режасида таълим олувчилар иш босқичларини, уларга ажратилган вақт ва технологик кетма-кетлигини, материал, асбоб-ускуналарни режалаштиришлари лозим.

3. Кичик гуруҳлар иш режаларини тақдимот қиладиладар. Таълим олувчилар иш режасига асосан топшириқни бажариш бўйича қарор қабул қиладиладар. Таълим олувчилар муҳандис-педагог билан биргаликда қабул қилинган қарорлар бўйича эришиладиган натижаларни муҳокама қилишади. Бунда ҳар хил қарорлар таққосланиб, энг мақбул вариант танлаб олинади. Муҳандис-педагог таълим олувчилар билан биргаликда “Баҳолаш

варақаси”ни ишлаб чиқади.

4. Таълим олувчилар топшириқни иш режаси асосида мустақил равишда амалга оширадилар. Улар индивидуал ёки кичик гуруҳларда ишлашлари мумкин.

5. Таълим олувчилар иш натижаларини ўзларини текширадилар. Бундан ташқари кичик гуруҳлар бир-бирларининг иш натижаларини текширишга ҳам жалб этиладилар. Текширув натижаларини “Баҳолаш варақаси”да қайд этилади.

**НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

1-маъруза. Таълимда замонавий ёндашувлар ва ислохотлар

Режа:

1. Таълимга замонавий ёндашувни жорий этиш зарурати.
2. Компетенциявий ёндашув ва унинг хорижий тажрибада қўлланилиши.
3. Она тили ва адабиёт фанига оид таянч ва фанга оид компетенциялар.

1. Таълимга компетенциявий ёндашувни жорий этиш зарурати

Мамлакатимизда таълим тизимини ислох қилиш орқали ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб вояга етказиш бош вазифа сифатида қўйилмоқда. Таълимнинг мақсади, энг аввало, инсон онгини ривожлантиришдир. Чунки ҳар қандай мамлакатнинг келажаги, эртанги куни унинг табиий бойликларига эмас, балки фуқароларининг савиясига боғлиқдир. 2018 йил таълим тизимида амалга оширилган ислохотларни мамлакатимизда соҳа ривожига қанчалик эътибор берилаётганини тасдиқлайди:

1. Ўқитувчиларни мажбурий меҳнат ва мажбурий обуна, турли йиғилишларга жалб этиш тўхтатилди

2. Ўқитувчилар юритадиган ҳужжатлар сони 7 тадан 3 тага қисқартирилди. Мактабларнинг текшириш сони 26 баробар камайди

3. Ойлик маошлар тоифага қараб 40 фоиздан 72 фоизгача ошди. Психологлар иш ҳақи 103 фоиз, мактаб директори ва ўринбосарлари, Ахборот-ресурс маркази раҳбари ва кутубхоначилар маошлари 33 фоиз кўтарилди

4. Имтиёзли ипотека, истеъмол кредитлари, жумладан, автокредитлар, уларнинг оила аъзолари тадбиркорлик фаолиятини юритишлари учун кредит маблағлар ажратиш механизмлари ишлаб чиқилиб амалиётга татбиқ этилди

5. Илк бор Касаба уюшмалари федерацияси ҳомийлигида “Йилнинг энг яхши фан ўқувчилари” 10 миллион сўм мукофот пули билан тақдирланди

6. 24 та мактаб янгидан қурилиб фойдаланишга топширилди

7. 43 та мактаб филиаллари умумтаълим мактабларига айлантирилди (2016 йилда 1138 та, 2017 йилда 1348 та, 2018 йили 1299 та филиал бўлган)

8. Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 1 815 та мактаб жорий таъмирдан чиқарилди ва бунинг учун 189 млрд сўм маблағ сарфланди

9. 11 йиллик мажбурий таълим тизимида ўтилиши муносабати билан ўқувчиларни касб-ҳунарга ўргатиш тизимининг янгича механизми жорий этилиб, 2018/2019 ўқув йилида 10-11 синф ўқувчилари касб-ҳунар коллежлари базасида 2018 йилда 333 та таълим муассасаларини касблар бўйича 489 та синфлар тўплами билан жиҳозланди.

Фан-техника асри ва жадал тараққий этаётган ҳаёт ўқувчиларда ўқув предметлари бўйича фақатгина билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишнинг ўзи етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Бу қуйидаги ҳолатларда намоён бўлмоқда:

▪ таълим муассасасини муваффақиятли битирган айрим ўқувчилар, ҳаётда кўп муваффақиятсизликларга учрайди;

▪ олий таълим муассасасини битириб янги ишга борган ёш мутахассис университет ёки институтда касбига оид билим ва кўникмаларни етарли даражада олган бўлса-да, иш жойига кўникиши узоқ вақт давом этади;

▪ кўпинча мактаб ёки лицейда олинган билим ва кўникмалар тезда ҳал қилиниши керак бўлган ҳаётий вазиятларга тўғри келмайди ёки умуман ҳаётида керак бўлмайди.

Шунга кўра таълим жараёнига ўқувчилар эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини бевосита кундалик ҳаётида қўллашга ўргатадиган компетенциявий ёндошувга асосланган ДТСларни яратиш ва таълим жараёнига қўллаш зарурияти юзага келди.

“**Competence**” сўзи “**to compete**” сўздан келиб чиққан бўлиб, “мусобақалашмоқ”, “рақобатлашмоқ”, “беллашмоқ” деган маънони билдиради. Сўзма-сўз таржима қилинса, “мусобақалашмоқга лаёқатлилиқ” маъносида келади.

Илмий педагогик, психологик манбаларда берилишича, *компетенция*, *компетентлилиқ* ўта мураккаб, кўп қисмли, кўпгина фанлар учун муштарак бўлган тушунчалардир. Шу боисдан унинг талқинлари ҳам ҳажман, ҳам таркибига кўра, ҳам маъно, мантиқ мундарижаси жиҳатидан турли-туман. Атаманинг моҳияти шунингдек “самарадорлиқ”, “мослашувчанлиқ”, “ютуқлилиқ”, муваффақиятлилиқ”, “тушунувчанлиқ”, “натижалиқ”, “уқувлилиқ”, “хосса”, хусусият”, “сифат”, “микдор” каби тушунчалар асосида ҳам тавсифланмоқда.

Шунга кўра таълим компетенцияларини тасдиқланган стандартда келтирилган таъриф бўйича қабул қиламиз.

билим — ўрганилган маълумотларни эслаб қолиш ва қайта тушунтириб бериш;

кўникма — ўрганилган билимларни таниш вазиятларда қўллай олиш;

малака — ўрганилган билим ва шаклланган кўникмаларни нотаниш вазиятларда қўллай олиш ва янги билимлар ҳосил қилиш;

компетенция — мавжуд билим, кўникма ва малакаларни кундалик фаолиятда қўллай олиш қобилияти.

2. Компетенциявий ёндашув ва унинг хорижий тажрибада қўлланилиши

Компетенцияларнинг мазмуни ва моҳиятини ўрганишдан олдин, унинг фан ва турмушга кириб келишнинг қисқача тарихи билан танишайлик.

Биринчи босқич – 1960-1970 йиллар. Тилни ўрганишга доир дастлабки компетенциялар киритила бошланди. Бунда Д.Хаймс томонидан “коммуникатив компетенция” тушунчаси киритилади.

Иккинчи босқич – 1970–1990 йиллар. Компетенция/компетентлик категорияларидан тилни, айниқса иккинчи (она тилидан ташқари) тилни ўрганиш назарияси ва амалиётида, бошқаришда, раҳбарликда, менежментда профессионаллик ва мулоқотни ўрганишда фойдаланила бошланди. Бу

пайтда “ижтимоий компетенция/компетентлик” тушунчасининг мазмуни ишлаб чиқилди.

Учинчи босқич –1990 ва кейинги йилларда компетенциявий ёндашув касбий таълимга, умумтаълим фанларига ва бошқа йўналишларда қўлланила бошланди .

Ўзбекистонда дастлаб Биринчи Президентимизнинг 2012 йилда имзоланган чет тилларни ўқитишни такомиллаштириш тўғрисидаги фармонга мувофиқ илк бор компетенциявий ёндашувга асосланган ДТС ишлаб чиқилиб, 2013-2014 ўқув йилидан босқичма-босқич амалиётга жорий этила бошланди.

Компетенция бўлиши учун унинг структураси қандай бўлиши керак? Компетенциянинг структура компонентлари қуйидагилар:

- компетенциянинг номи;
- компетенция типи ва унинг умумий кетма-кетлигидаги ўрни (таянч, фанлараро, фанга оид);
- компетенциялар киритиладиган, реал фаолият кўрсатадиган объектлар доираси;
- компетенциянинг ижтимоий-амалий боғлиқлиги ва аҳамияти (у жамият учун нима сабабдан керак?);
- компетенциянинг шахсга нисбатан аҳамияти (нима сабабдан ўқувчи компетент бўлиши керак?);
- реал объектлар доирасига оид билимлари, кўникмалари ва малакалари;
- мазкур компетенция доирасида ўқувчининг фаолият кўрсатиши учун керак бўладиган минимал тажрибаси (ўқитиш босқичлари бўйича);
- индикаторлар – ўқувчи компетентлиги (ўқитиш босқичлари бўйича) даражасини аниқлаш учун ўқув ва назорат-баҳолаш топшириқлари намуналари, мисоллари.

Қандай компетенцияларни таянч компетенциялар деб олиш керак:

Компетенциялардан, таълим компетенцияларни фарқлаш лозим. Таълим компетенцияси ўқувчининг келажакдаги тўлақонли ҳаётидаги фаолиятини моделлаштиради. Масалан, фуқаро маълум бир ёшга етгунга қадар айрим компетенцияларни ҳайтига татбиқ эта олмайди. Лекин бу уларни ўқувчида шакллантириш шартмас дегани эмас. Масалан, ўқувчи мактабда фуқаролик компетенциясини ўзлаштирса-да, уни ҳаётда мактабни битирганидан сўнг ишлатади. Шунга кўра бундай компетенциялар ўқиш даврида таълим компетенцияси сифатида намоён бўлади.

Таянч компетенцияларнинг дунё бўйича ягона қабул қилинган рўйхати йўқ. Чунки ҳар бир мамлакатнинг ёки ҳудуднинг ўз анъаналари, менталитети ва ўзига хос талаблари бор. **Компетенция – жамиятнинг ўз фуқароларига қўйган ижтимоий буюртмаси** бўлиб, уларнинг рўйхати муайян мамлакатдаги ёки ҳудуддаги ижтимоий муҳит билан белгиланади Бундай келишувга ҳар доим ҳам эришиб бўлмайди. Масалан, Швейцария ва Америка

Қўшма Штатларининг иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти ҳамда таълим статистикаси Миллий институтининг “Таянч компетенцияларни танлаш ва аниқлаш” номли лойиҳасида ҳам таянч компетенцияларни қатъий равишда аниқлаб олишнинг имконияти бўлмаган.

Шунга кўра компетенцияларнинг Европа ва Россия вариантларини кўриб чиқайлик.

Европа кенгаши симпозиумида “Европа учун таянч компетенциялар” белгилаб олинган. Унга кўра ўқувчи қуйидагиларни ўрганиши керак:

- тажрибадан фойдали хулоса ёки натижа чиқариб олиши;
- турли фанларга ва соҳаларга оид билимларини ўзаро боғлай олиши ва уларни тизимлаштириши;
- ўзининг шахсий ўрганиш усулларини ташкил қилиш(ўрнатиш)ни;
- муаммоларни мустақил еча олишни.

Излаш:

- мустақил билим олиш билан шуғулланиш;
- турли маълумотлар базасини қидириш;
- теварак-атрофдан суриштириш;
- экспертдан маслаҳат олиш;
- ахборот олиш;
- ҳужжатлар билан ишлаш ва уларни туркумлаш(классификациялаш).

Ўйлаш:

- ўтган ва кечаётган воқеалар орасидаги ўзаро боғлиқликни топиш;
- жамият ривожланишининг у ёки бу аспектига танқидий ёндашиши;
- мураккаблик ва ўзига бўлган ишонч йўқолишига қарши туриш;
- баҳс-мунозара чоғида ўз позициясини эгаллаш ва шахсий нуқтаи назарини ҳимоя қилиш;
- ўқиш ёки иш жойидаги сиёсий-иқтисодий муҳитнинг муҳимлигини англаш;
- соғлом турмуш тарзини, истеъмолчилик маданиятини эгаллаш, тасвирий санъат ва адабий асарларини баҳолай билиш.

Ҳамкорлик қилиш:

- гуруҳда ишлаш ва ҳамкорлик қила олиш;
- қарорлар қабул қилиш – англашилмовчилик ва можароларни бартараф этиш;
- келиша олиш;
- шартномаларни ишлаб чиқиш ва бажариш.

Ишга киришиш:

- лойиҳада қатнашиш;
- жавобгарликни олиш;
- гуруҳга ёки жамоага кириш ҳамда ўз ҳиссасини қўшиш;
- ҳамкор эканлигини исботлаш;
- ўз ишини ташкил қила билиш;
- ҳисоблаш ва моделлаштириш асбобларидан фойдалана билиш;
- кўникиш;

- янги ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдалана олиш;
- тез ўзгаришлар олдида мослашувчанлигини исботлаш;
- янги ечимларни топа билиш.

Таянч компетенцияларнинг Россия варианты

- кадр-қиммат, эътиқод компетенцияси
- умуммаданий компетенциялар
- ўқув-ўрганиш компетенцияси
- ахборот компетенцияси
- коммуникатив компетенция
- ижтимоий-меҳнат компетенцияси
- шахсни такомиллаштириш компетенцияси

Компетентлик – компетенцияларни қўллай олишда инсон эга бўлиши керак бўлган минимал тажрибага эга бўлишдир. Буни ўқувчининг тайёргарлигига қўйиладиган талабларни шакллантиришда, ўқув жараёни ва дарсликларни лойиҳалашда эсдан чиқармаслик керак.

Таълимда компетенцияларнинг асосий функциялари қуйидагилар:

- ёш авлодни кундалик ҳаётга тайёрлаш бўйича ижтимоий талабнинг акс этиши;
- билим, кўникма ва малакаларини ҳамда фаолият усулларини комплекс ҳолда мақсадли қўллаши учун атроф-муҳитдан реал объектларни кўрсатиши;
- турли ўқув предметлари ва таълим соҳалари мазмунининг таркибий қисми бўлиши;
- конкрет масалаларни ечишда назарий билимларни амалиётда фойдаланиш билан боғлаши.

Компетенциялар қандай кетма-кетликда бўлиши керак?

Баъзи компетенциялар бошқаларига нисбатан умумий ёки аҳамиятлироқ бўлади. Шунга кўра уларни учта даражага бўлиш мумкин:

- 1) *таянч компетенциялар* – таълим мазмунининг умумий (метапредмет) қисмига тегишли;
- 2) *умумпредмет компетенциялари* – маълум доирага кирувчи ўқув предметлари ва таълим соҳаларига тегишли;
- 3) *предметга оид компетенциялар* – олдинги икки компетенцияларга нисбатан хусусий ҳисобланиб, ўқув предмети доирасида шакллантирилади.

Таянч компетенциялар ҳар сафар таълимнинг маълум бир босқичи ва белгиланган ўқув предмети учун аниқлаштирилади. Улар тўплам, меъёрий ҳужжатлар, ўқув ва методик адабиётлар, шунингдек, ўқувчиларнинг тайёргарлигини, шу билан бирга, уларнинг ижодий тайёргарлиги даражасини баҳолайдиган ҳужжатларни лойиҳалаш ва ёритиш учун характерловчи тўпламни белгилайди.

3. Она тили ва адабиёт фанига оид таянч ва фанга оид компетенциялар

Тажриба-синов натижалари ва изланишлар асосида она тили ва адабиёт фанидан қуйидаги таянч компетенциялар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди:

Ахборот билан ишлаш компетенцияси

A2

мавжуд ахборот манбаларидан (китоб, оммавий ахборот воситалари, интернет, китоб, луғат, маълумотномалар, (аудио-видео ёзув), телефон, компютер, электрон почта ва бошқ.) фойдалана олиш ва улардаги материалларга онгли муносабат билдириш, хулоса чиқариш, ибрат олиш ва ўз фаолиятида қўллаш олиш.

A2+

мавжуд ахборот манбаларидан (китоб, оммавий ахборот воситалари, интернет, китоб, луғат, маълумотномалар, (аудио-видео ёзув), телефон, компютер, электрон почта ва бошқ.) зарур бўлган ахборотларни излаб топа олиш, саралаш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш, хавфсизлигини таъминлаш ва фойдаланишда медиа-маданиятга риоя қилиш.

Ўзини-ўзи ривожлантириш компетенцияси

A2

шахс сифатида маънавий, руҳий ва интеллектуал камолотга интилишни ҳаётий-маънавий эҳтиёжга айланган олиш;

бадий асарларда тасвирланган миллий ва умуминсоний қадриятларни эъзозлаш ва уларга амал қилиш;

бадий китобларни мунтазам ўқиш ва ўрганиш, хулоса чиқариш, ибрат олиш;

ўз хатти-ҳаракати, фикр-мулоҳазаларига танқидий ёндаша олиш, ўзини назорат қила билиш, оғзаки ва ёзма матнлар мазмунига тўғри баҳо бера олиш.

A2+

бадий, публицистик, илмий, илмий-оммабоп, фан ва техника, санъат ва бошқаларга доир китобларни мунтазам ўқиш, ўрганиш, ва хулоса чиқариш, тегишли ҳолатларда улардан ўз фикрининг исботи ва далили сифатида амлиётда фойдалана олиш;

Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси

A2

жамиятда бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларга дахлдорликни ҳис этиш ва унда фаол иштирок этиш;

мактабда ва мактабдан ташқари адабий-бадий йўналишдаги тадбирларда (турли мавзудаги кўрик -танловлар, мусобақалар ва ҳ.к.) фаол иштирок этиш, атрофдаги инсонлар билан хушмуомалада бўлиш;

бадий асарларда хилма-хил шакл ва кўринишларда намоён бўладиган қаҳрамон ва персонажларнинг ижтимоий-маънавий, фуқаролик, инсонийлик ва бошқа бурч ҳамда ҳуқуқларини бажаришларидаги ўзига хосликлар (ҳалол, виждонли, жонкуяр, лоқайд..) га қараб туриб ҳолис ва жиддий мулоҳаза юритиш.

A2+

бадий асарларда акс этган юксак маънавий фазилатлар, шунингдек, юксак бадиият намуналарини англай олиш, ҳис этиш ва бошқаларга етказишга интилиш.

Миллий ва умуммаданий компетенция

A2

бадий адабиёт ва санъатда акс этган ватанпарварлик, инсонпарварлик ғояларини, умуминсоний ва миллий қадриятлар тасвиридаги ўзига хосликларни англаш, улардан таъсирланиш, улардаги гўзаллик ва эзгуликдан ўрнак олишга интилиш, ёвузлик ва хунуқликдан нафратлана олиш;

A2+

бадий асарларда акс этган тарихий, маънавий ва маданий ҳодисалар моҳиятини тўғри тушуниш ва талқин қила олиш, улардаги эстетик жиҳатларни илғай олиш ҳамда тушунтириб бера олиш.

Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси

A2

аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда шахсий, оилавий, касбий ва иқтисодий режаларини туза олиш;

шахсий, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларда ҳисоб-китоб билан иш юрита олиш;

кундалик фаолиятда турли формула, модел, чизма, график ва диаграммаларни ўқий олиш ва ундан фойдалана олиш;

A2+

инсон меҳнатини енгиллаштирадиган, меҳнат унумдорлигини оширадиган ва қулай шарт-шароитга олиб келадиган фан ва техника янгиликларидан хабардор бўла олиш ҳамда улардан фойдалана олиш.

Шунга ўхшаш ҳар бир фандан ушбу фанга оид компетенцияларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилди ва тажриба синовдан ўтказилди.

Она тилидан фанга оид компетенциялар (дастлабки лойиҳада)

- Мустақил ва ижодий фикрлаш компетенцияси
- Нутқий (лингвистик) компетенция
- Социолингвистик компетенция
- Прагматик компетенция

Она тилидан фанга оид компетенциялар (тасдиқланган вариантда)

- **Нутқий компетенция** (*тинглаб тушуниш, сўзлаш, ўқиш, ёзиш*):
- **Лингвистик компетенция** (*фонетика, графика, орфоэпия, орфография, лексика, грамматика ва услубиятга оид*):

Адабиётдан фанга оид компетенциялар (лойихада)

- Адабий-нутқий компетенциялар.
- Бадиий асарни ўқиш, тушуниш ва тушунтириш компетенцияси.
- Бадиий асарни таҳлил (анализ, синтез) қилиш компетенцияси.
- Адабий билимларни амалиётда қўллаш компетенцияси.

Адабиётдан фанга оид компетенциялар (тасдиқланган вариантда)

- Адабий-нутқий компетенциялар.
- Бадиий асарни таҳлил (анализ, синтез) қилиш компетенцияси.

Ишни нимадан бошлаш керак?

Машғулотларни олиб борадиган педагог ўқитувчи мазкур фандан компетентлик ёндашувига асосланган ДТС ва ўқув дастурини синчиклаб ўрганиб чиқиши керак. Бунда ҳар бир ўқув фани бўйича шакллантирилиши зарур бўлган таянч ва фанга оид компетенцияларни ўқувчилар ёши, психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда синфларга тақсимлаб чиқиши зарур. Ҳозирда бу иш ўқув дастурларида келтирилади. Лекин мазкур компетенциялар ярим йиллик ва йил охиридаги натижа кўринишида берилмоқда. Шунга кўра педагог уларни тақвим мавзу режада майдалаб кўрсатиши зарур бўлади. Шу билан бирга ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришда қўлланиладиган самарали усул, метод ва технологияларни танлашлари керак бўлади.

Ўқувчиларда ушбу компетенцияларни шакллантиришда уларнинг қизиқиши, эҳтиёжини ҳисобга олиш зарур. Бунинг учун эса ўқитувчи томонидан педагогик ташхис ўтказиш яхши натижа беради.

Ташхислар ишонарли ва тўлақонли бўлиши учун улар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- ташхислаш ишига таълимнинг барча иштирокчилари (ота-оналар, фан ўқитувчилари, синфдошлар) жалб этилиши керак;
- ташхислашни иложи борича турли усуллар-сўровнома, суҳбат, кузатиш, тест, ўз-ўзини ташхислаш орқали ўтказиш лозим;
- қайта алоқа бўлиши ва баҳолаш жараёни доимий равишда муҳокама қилиниши керак;
- шахсий характерлари ҳисобга олиниши керак. Бунда ўтказилган ташхис натижаси олдингиси билан солиштирилиши ва ижобий(салбий) ўзгаришлар эътироф этилмоғи лозим;
- тизимлилик, ташхислаш бутун ўқув йилини қамраб олиши керак;
- барча ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, мутахассислар ва бошқаларга ўқувчилар нималарни билиши, қандай кўникма ва малакаларга эга бўлиши ошкор бўлиши керак.

Таянч компетенцияларни қачон, қандай шакллантириш мумкин?

Таянч компетенциялари таркибига кирган коммуникатив компетенцияни жорий назоратлар даврида оғзаки сўров, уй вазифаларни бажарганлиги,

синфдошларининг тушунтиришларини англай олиши, баҳсга киришиш кабилар орқали шакллантирилса, ахборот билан ишлаш компетенциясини дарслик ва ўқув қўлланмалар билан ишлаш, бадиий адабиёт, кинофильмлардаги жараён, ходиса, қонун ҳамда қоидалар қўлланилган вазиятлар тўғрисида ахборотларни излаб топиш, уларни тушунтириш орқали шакллантириш мумкин. Шу билан шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси ҳам шакллантирилиб борилади.

• Ижтимоий фаол фуқаролик компетенциясига оид кўникмаларни дарс жараёнида гуруҳларда ишлаш, ролли ўйинлар каби усулларни қўллаб дарсларни ташкил этиш мумкин. Умуммаданий компетенцияларни ўқувчиларда шакллантириш учун фан соҳасида буюк кашфиётлар қилган олимларнинг ибратомуз ҳаёти, фан ривожланиши билан инсониятнинг умуммаданияти юксалиб боришини кўрсатиш орқали амалга ошириш мумкин.

Ечимини кутаётган муаммолар:

1. Ўқувчиларда компетенцияларни шаклланганлик даражасини белгилайдиган мезонлар ишлаб чиқилиши зарур. Бу мезонлар ўқувчиларнинг ёши, психофизиологик хусусиятларини ҳам ҳисобга олиши керак.

2. Педагог томонидан ташкил қилинадиган дарс ҳам компетент дарс бўлиши керак. Бунинг учун унинг структураси ва экспертиза қилиш мезонлари ишлаб чиқилиши керак.

Хулоса

Юқорида келтирилган вазифаларни бажариш билан биргаликда таълим муассасасида илмий-методик, ахборот базасини шакллантириш, педагог кадрларни тайёрлаш, ишлаб турган педагогларимизда янгича фикрлашни шакллантириш лозим. Бундан ташқари:

- ўқитувчиларни таълимдаги компетенциявий ёндашув билан таништириш;
- таянч компетенцияларни шакллантиришни таъминлайдиган технологияларни эгаллаш;
- ўқитувчиларни компетенцияларга йўналтирилган топшириқларни туза олиш ва дарсда ҳамда дарсдан ташқари фаолиятда қўллай олишга ўргатиш;
- ўқитувчиларни берилган топшириқларни ўқувчилар томонидан қандай бажарилганлигини таҳлил қилиш ва баҳолашга ўргатиш керак.

Ҳар бир ўқитувчи эса мониторинг ўтказа олиш, ўз педагогик фаолиятига зарур тузатишлар кирита олиш керак.

Назорат учун саволлар

1. Таълимни компетенциявий ёндашув асосида ташкил этишдан мақсад нима деб ўйлайсиз?

2. Таянч компетенциялар нималарни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқилади?

3. Европа ва Россия таълимида шакллантирилиши кўзда тутилган компетенциялар, уларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳақида

маълумот беринг.

4. Она тили ва адабиёт дарсларида ўқувчиларда компетенцияларни қандай ривожлантириш мумкин?

5. Она тили ва адабиёт фанига оид хусусий компетенцияларга тавсиф беринг.

2-мавзу. Таълимда халқаро баҳолаш дастурлари – PISA, PIRLS, TIMSS

1. Баҳолашнинг таълим сифатини оширишдаги ўрни.

2. Халқаро баҳолаш дастурлари.

3. Халқаро баҳолаш дастурларини таълим тизимига жорий этиш механизмлари.

1. Халқаро баҳолашнинг таълим сифатини оширишдаги ўрни

Маълумки, ўзгаришлар даврида таълим тизими ижтимоий жараёнлардан келиб чиққан ҳолда шиддат билан ривожланишни тақозо этади. Таълим орқали жамиятда келажакдаги вазифаларни бажаришга қодир бўлган янги авлод шакллантирилади.

Шуни инобатга олган ҳолда умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг ҳар томонлама пухта билим олиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Хусусан, 2017 йил 16 июнь куни Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг Учтепа туманига ташрифи чоғида мактаб билан коллежлар ўртасидаги боғлиқликни мустаҳкамлаш ва тажриба сифатида 11 йиллик умумий ўрта таълимни тиклашга қаратилган ташаббуслари кенг жамоатчилик ва ота-оналар томонидан юксак баҳоланди.

Шунингдек, Президентимиз ташаббуслари билан 9-синфни битирган ўқувчилар, ота-оналар ва ўзларининг хоҳишларига биноан, онгли равишда касб-ҳунар коллежи, академик лицей ёки ўзлари таълим олган мактабларда мажбурий таълимни давом эттиришлари мумкин эканлигини айтилиши ва бу барчага ҳар томонлама қулайликлар яратди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бундай ислохотлар натижасида улкан иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришилмоқда. Бу ҳолат малакали кадрлар ва етук мутахассиларга бўлган талабнинг янада ошиб боришига асос бўлмоқда.

Бундай талаб ва истакларнинг қондирилиши ўз навбатида ёшлар ўртасида китобхонлик ва дарсларга қизиқиш хусусиятини ошириш ва ўқитувчиларнинг ҳар томонлама таълим тарбияга эътиборини янада кучайтиришнинг замонавий ижтимоий инновациялар орқали амалга оширилиши эҳтиёжини вужудга келтирмоқда.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мутахассислар айнан мана шундай талабларнинг бугунги кун таълим тизими учун жуда

муҳим эканлигини инобатга олган ҳолда аксарият хорижий давлатларда таълим ва фан соҳалари ривожланишини баҳолаш ва мониторинг қилиш орқали таълим сифатини оширишга қаратилган айрим илғор тажрибаларни ўрганиб чиқди.

Хусусан, ўқиш ва тушуниш дунёда таълим сифати, савияси ва даражасини аниқлаб берувчи PISA (Ўқувчиларни таълимдаги ютуқларини баҳолаш халқаро дастури), PIRLS (Матнни даражасини аниқловчи халқаро тадқиқот), TIMSS (Мактабда математика ва аниқ фанлар сифатини тадқиқ қилувчи халқаро мониторинг) каби бир қатор халқаро дастурлар ривожланган давлатлардаги таълим сифатини янада оширишдаги мезон сифатида кенг қўлланилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 997-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур қарордан мақсад республика халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш, халқаро алоқаларни ўрнатиш, ўқувчи-ёшларнинг илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини, энг аввало, ёш авлоднинг ижоди ва ижодкорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришдир.

2. Халқаро баҳолаш дастурлари

Дунё таълим тизимида тан олинган ва жуда кўплаб мамлакатларда жорий этилган халқаро баҳолаш дастурлари куйидагилар:

The Programme for International Student Assessment (PISA)

- 15 ёшли ўқувчиларнинг ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан саводхонлик даражасини баҳолаш;

Progress in International Reading and Literacy Study (PIRLS)

- бошланғич 4-синф ўқувчиларининг матнни ўқиш ва тушуниш даражасини баҳолаш;

Trends in International Mathematics and Science Study (TIMSS)

- 4 ва 8-синф ўқувчиларининг математика ва табиий йўналишдаги фанлардан ўзлаштириш даражасини баҳолаш;

The Teaching and Learning International Survey (TALIS)

- раҳбар ва педагог кадрларнинг умумий ўрта таълим муассасаларида ўқитиш ва таълим олиш муҳитини ҳамда ўқитувчиларнинг иш шароитларини ўрганиш учун.

PISA - ўқувчиларни таълим соҳасидаги ютуқларини баҳолаш бўйича халқаро дастур бўлиб, ундаги тест жаҳон давлатларидаги мактаб ўқувчиларининг билими ва уларни амалиётда қўллай олиш маҳоратини баҳолайди. Дастурнинг асосий мақсади - 15 ёшли ўқувчилар таълим даргоҳида олаётан билим ва тажрибаларини ижтимоий муносабатларда ва

инсон фаолиятида учрайдиган турли хил ҳаётий вазифаларни ечишда қанчалик фойдалана олиш қобилиятини баҳолашдир. Ушбу синов ҳар уч йилда бир маротаба ўтказилади. Тестда фақат 15 ёшдаги ўсмирлар иштирок этади. Мактабдаги таълим сифатини мониторинг қилишга қаратилган PISA дастури асосий уч йўналишда: ўқиш,математика ва ижтимоий фанлар саводхонлиги бўйича олиб борилади.

Биргина 2015 йилнинг ўзида 70 дан ортиқ давлатлар PISA халқаро дастури синовида иштирок этган. Умуман олганда, PISA дастури давлатларнинг таълим соҳасидаги сиёсатига сезиларли даражада таъсир ўтказди. Ҳар бир давлат ўтказилган тадқиқот натижалари асосида ўзининг таълим соҳасидаги кучли ва кучсиз томонларини ҳолисона аниқлаб, бошқа давлатларга нисбатан мавқеини кўради ҳамда таълим муассасаларида ўқув жараёнини такомиллаштиришда ўз йўналишларини ва стратегиясини белгилаб олади.

PIRLS - тадқиқотида 50 дан ортиқ давлатлар иштирок этиб келмоқда. Мазкур халқаро тадқиқотнинг мақсади турли хил таълим тизимидан иборат бўлган давлатлардаги бошланғич мактаб ўқувчиларининг матнни ўқиш ва қабул қилиш бўйича тайёргарлиги ҳамда ўқувчиларнинг ҳар хил ютуқларга эришишга сабаб бўлувчи таълим тизимидаги ўзига хос хусусиятларни аниқлаш ва баҳолашдан иборат. Албатта бундай тадқиқот халқ таълими соҳасидаги ишчилар, олимлар, методистлар, ўқитувчилар, ота-оналар ва жамоат вакиллари учун катта аҳамиятга эгадир.

TIMSS - ҳам жаҳон мамлакатлари таълим тизимида кенг тадбиқ этилмоқда. TIMSS дастури Таълим соҳасидаги ютуқларни баҳолаш халқаро ассоциацияси IEA (International Association for the Evaluation of Educational Achievements) томонидан ташкил этилган бўлиб, ушбу тадқиқот 4 ва 8 синф ўқувчилари орасида математика ва ижтимоий фанлар бўйича таълимнинг сифати, даражаси, фанга бўлган муносабати, қизиқишини аниқлайди. Ҳар 4 йилда бир маротаба олиб борилади. Ушбу тадқиқот PIRLS тадқиқотига ўхшаб, ўқувчилар, мактаб маъмурияти ва ўқитувчилари орасида кўшимча сўровномалар ўтказди ва фан соҳасида тўсқинлик қилаётган асосий омилларни аниқлайди. Бу эса ўша мамлакатда ишлаб чиқилган таълим стандартларини ва таълим самарадорлигини бошқа давлатлар билан солиштириб кўриш имконини беради. 2015 йил TIMSS тадқиқотлари натижаларига кўра АҚШ, Сингапур, Гонконг, Корея Республикаси, Япония, Россия, Буюк Британия каби давлатларнинг таълим тизими энг юқори кўрсаткичларни эгаллаган. Шунинг эътирофи этиш лозимки, айтиш шунингдек давлатларда юқори техногияларни ўзлаштириш, саноатлаштириш ва юксак даражадаги тараққиёт эришиш мақсадида аниқ фанларни юқори даражада ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, унда ўқувчилар туғма истеъдод ва қобилиятлардан кўра ўз устида доимий ишлаш ҳамда аниқ фанларни ўқитишда гуруҳ ёки синфдаги ўқувчилар сонининг 16 нафардан ошмаслиги белгиланган. Бундай тажриба АҚШда ҳам мавжуд бўлиб, 1999 йилдан бошлаб битта ўқитувчи 40 минутлик дарс машғулоти давомида 16 та болага билим ва тарбия бера олиш имкониятига эга эканлиги инобатга олган ҳолда

президент қарори билан таълим муассасаларидаги гуруҳларда ўқувчилар сони 16 нафар этиб белгиланган.

Умуман олганда мамлакатимизда айнан мана шундай халқаро дастурларнинг таълим тизимини баҳолаш ва мониторинг қилишдаги иштироки мавжуд эмаслиги ёки ўқувчи ёшлар билимлари даражасини баҳолаш ёки мониторинг қилишнинг **“Миллий дастури”** яратилмаганлиги, ҳудудлар кесимида ёшлар томонидан у ёки бу фанни ўзлаштириш даражасининг сифати ва соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўламини белгилаб бориш ва тегишли ислоҳотлар ўтказиш имкониятини чеклаб қўймоқда. Шунингдек, бошланғич ва умумий ўрта таълим муассасаларидаги ўқитиш даражасининг ислоҳотлар темпидан ортда қолаётганлиги яқин келажакда малакали кадрлар танқислигини келтириб чиқаради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 997-сонли Қарори мана шундай муаммоларни бартараф этишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

3. Халқаро баҳолаш дастурларини таълим тизимига жорий этиш механизмлари

Халқаро баҳолаш дастурларини мамлакат таълим тизимига жорий этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш вазифаси давлат инспекцияси ҳузурида янги ташкил этилган Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази зиммасига юклатилган.

Қуйидагилар Миллий марказнинг асосий вазифалари ва фаолиятининг йўналишлари этиб белгиланган:

- халқаро тадқиқотларни ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштиришда Ўзбекистон Республикасининг вакили сифатида иштирок этиш;
- таълим тизимида ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан саводхонлик даражасини ривожлантиришнинг инновацион методларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга йўналтирилган илмий изланишлар олиб бориш;
- таълим сифатини баҳолаш соҳасида халқаро алоқаларни ўрнатиш, халқаро лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, халқаро илмий анжуманлар ва симпозиумларни ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этиш;
- таълим сифатини баҳолаш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ўтказиш;
- таълим сифатини баҳолаш бўйича тадқиқотларни илмий ва услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;
- умумий ўрта таълим муассасаларининг халқаро тадқиқотларда муваффақиятли иштирок этишини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро баҳолаш дастурларида қайд

этган натижаларини бошқа давлатлар натижалари билан қиёсий таққослаш;

- халқаро баҳолаш дастурларини таълим жараёнига жорий этиш бўйича тизимли мониторинг олиб бориш, ушбу соҳадаги илғор тажрибани оммалаштириш ва унинг асосида таълим муассасалари учун тавсиялар ва қўлланмалар ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- ўқитишнинг инновацион усулларида фойдаланган ҳолда ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлар бўйича педагог кадрларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув-услугий тавсиялар тайёрлаш.

Шунингдек, халқаро тадқиқотларда Ўзбекистон Республикасининг иштирок этишига тайёргарлик кўриш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланган.

Халқ таълими вазирлиги 2019 йил 1 февралга қадар Миллий марказ билан биргаликда ўқувчиларнинг қобилият ва иқтидорларини умумий ўрта таълим муассасаларининг 1-синфидан бошлаб аниқлаш ва ривожлантириш, ўқувчиларнинг саводхонлигини баҳолаш бўйича халқаро баҳолаш дастурлари ва танловларида иштирок этишни таъминлаш дастурини ишлаб чиқади. Бундан ташқари, халқаро тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан ўқув дастурлари ҳамда ўқув адабиётлари мазмунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, халқаро тадқиқотларнинг баҳолаш дастурлари йўналишларидаги саволлар миллий базасини яратиш ва ўқув дастурларига интеграция қилиш, ўқувчилар саводхонлигини баҳолашнинг миллий тизимини такомиллаштириш ва 2019-2021 йилларда амалий кўникмаларини шакллантирилишини баҳолашга қаратилган синовларни тизимли равишда ўтказиб бориш, халқаро тадқиқотларнинг баҳолаш дастурлари йўналишларидаги саволларни ўзида мужассам этган ўқув дастурлари асосида қўшимча методик қўлланма ва адабиётлар яратиш, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳар ҳамда ҳар бир туман (шаҳар)да халқаро тадқиқотларни амалга оширишга йўналтирилган таянч мактабларни белгилаш, умумий ўрта таълим муассасаларидаги иқтидорли педагог кадрларни халқаро баҳолаш дастурлари бўйича илмий тадқиқотларга жалб қилиш, умумий ўрта таълим муассасаларини замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан жиҳозланганлик ва Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланганлик ҳолатини инвентаризация қилиш ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф қилиш чораларини кўриш вазифаларини ҳам амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги халқаро тадқиқотлар ўтказиладиган ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлар бўйича мутахассислар тайёрловчи олий таълим муассасалари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш ҳудудий минтақавий ва тармоқ марказларининг ўқув дастурларига халқаро тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб бориш, халқаро тадқиқотлар дастурларининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, давлат илмий-техника дастурлари доирасида лойиҳалар тайёрлаш сингари вазифаларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Миллий марказнинг мурожаатига асосан уни белгиланган тартибда зарур алоқа воситалари, шу жумладан ҳукумат алоқа воситалари билан таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги PISA ва TALIS халқаро тадқиқотларида Ўзбекистон Республикасининг иштирок этиши юзасидан Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти билан ҳамкорлик шартномаларининг имзоланишини ташкил этади.

Назорат учун саволлар:

1. Халқаро баҳолаш дастурлари деганда нимани тушунасиз?
2. Бу дастурларнинг таълим сифатини оширишдаги аҳамияти нималарда деб ўйлайсиз?
3. PISA қандай баҳолаш дастури?
4. PIRLS халқаро дастурида ўқувчилар билими қайси жиҳатларига кўра баҳоланади?
5. Халқаро баҳолаш дастурларини мамлакатимизда амалга ошириш истиқболлари ҳақида ўз фикрларингизни билдиринг?.

3-мавзу. Она тили ва адабиёт фани ўқитувчиларининг компетентлиги даражасига қўйиладиган талаблар

Режа:

- 1.Замонавий ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар.
2. Таълим жараёнини ташкиллаштиришга қўйиладиган талаблар.
3. Она тили ва адабиёт фани ўқитувчиларига қўйиладиган талаблар.

1.Замонавий ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар

Фан-техника асри ва жадал ривожланаётган ижтимоий-сиёсий ҳаёт ўқитувчи кадрларнинг маънавий қиёфаси, ақлий салоҳияти ҳамда касбий маҳоратига нисбатан жиддий талаблар қўймоқда. Чунончи, бу борада Ўзбекистон Республикасисининг Президенти Ш.М.Мирзиёев қуйидагиларни қайд этган эди: “Ўқитувчи касби дунёдаги энг улуғ ва шарафли касб”.

Юқорида қайд этилган фикрдан бугунги кун ўқитувчиси шахсига нисбатан қўйилаётган талаблар мазмуни англашилади. Замонавий ўқитувчи қандай бўлиши зарур?

Ўқитувчи (педагог) педагогик, психологик ва мутахассислик йўналишлари бўйича махсус маълумот, касбий тайёргарлик, юксак ахлоқий фазилатларга эга ҳамда таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи шахс саналади.

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддаси 3-бандига мувофиқ таълим муассасаларида судланган шахсларнинг педагогик фаолият билан шуғулланишларига йўл қўйилмайди.

Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар қуйидагилардан иборат:

1. Ўқитувчи жамият ижтимоий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ижтимоий ислохотлар моҳиятини чуқур англаб етиши ҳамда бу борада ўқувчиларга тўғри, асосли маълумотларни бера олиши лозим.

2. Замонавий ўқитувчининг илм-фан, техника ва технология янгиликлари ва ютуқларидан хабардор бўлиши талаб этилади.

3. Ўқитувчи ўз мутахассислиги бўйича чуқур, пухта билимга эга бўлиши, ўз устида тинимсиз изланиши лозим.

4. Ўқитувчи педагогика ва психология фанлари асосларини пухта билиш, таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда фаолият ташкил этиши керак.

5. Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида энг самарали шакл, метод ва воситалардан унумли фойдалана олиш имкониятига эга бўлмоғи лозим.

6. Ўқитувчи ижодкор, ташаббускор ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши шарт.

7. Ўқитувчи юксак даражадаги педагогик маҳорат, чунончи коммуникативлик лаёқати, педагогик техника (нутқ, юз, қўл-оёқ ва гавда ҳаракатлари, мимика, пантомимика, жест) қоидалари чуқур ўзлаштириб олишга эришишлари лозим.

8. Ўқитувчи нутқ маданиятига эга бўлиши зарур, унинг нутқи қуйидаги

хусусиятларни ўзида акс эттира олиши керак:

- а) нутқнинг тўғрилиги;
- б) нутқнинг аниқлиги;
- в) нутқнинг ифодавийлиги;

г) нутқнинг софлиги (унинг турли шева сўзларидан холи бўлиб, фақат адабий тилда ифода этилиши); жаргон (муайян касб ёки соҳа мутахассисликларига хос сўзлар); варваризм (муайян миллат тилида баён этилаётган нутқда ўзга миллатларга хос сўзларнинг ноўрин қўлланилиши); вульгаризм (ҳақорат қилиш, сўкишда қўлланиладиган сўзлар) ҳамда концеляризм (ўрни бўлмаган вазиятларда расмий сўзлардан фойдаланиш) сўзлардан холи бўлиши, ўқитувчининг нутқи содда, равон ва тушунарли бўлиши керак;

д) нутқнинг равонлиги;

ж) нутқнинг бойлиги (ҳикматли сўзлар, ибора ва мақолалар, маталлар ва кўчирма гаплардан ўринли ва самарали фойдалана олиш).

9. Ўқитувчи кийиниш маданияти (содда, озода, бежирим кийиниши), таълим-тарбия жараёнида ўқувчининг диққатини тез жалб этувчи турли хил безаклар (олтин, кумуш тақинчоқлар)дан фойдаланмаслиги, фасл, ёш, гавда тузилиши, юз қиёфаси, ҳатто, соч ранги ва турмагига мувофиқ равишда кийинишини ўзлаштиришга эришиши лозим.

10. Ўқитувчи шахсий ҳаётда пок, атрофдагиларга ўрнак бўла олиши лозим.

2. Таълим жараёнини ташкиллаштиришга қўйиладиган талаблар

Таълим соҳасидаги долзарб вазифаларни бажариш кўп жиҳатдан ўқитувчи шахсига боғлиқ. Таълим-тарбиядан кўзда тутилаётган мақсадга эришиш, ўқувчиларнинг хилма-хил фаолиятини уюштириш, уларни билимли, одобли, эътиқодли, меҳнатқаш, ишбилармон, баркамол инсон қилиб ўстириш ўқитувчи зиммасига юклатилган. Халқимизнинг келажаги, Ўзбекистоннинг истиқболи кўп жиҳатдан ўқитувчига, унинг савияси, тайёргарлиги, фидойилигига, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлиқ.

Ўқув-тарбия жараёнини режалаштириш ва амалга оширишда ўқувчиларнинг тарбияланганлик ва билим даражасини ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия мақсадига мувофиқ ўқув материални танлаш, уни анализ ва синтез қила олиш, илмий материалларни қайта ишлаб, ўқув материалига айлантира олиш, маълум мураккаб матнларни ва ўқув материални ўзлаштира олиш кўникмасини шакллантириб бориши лозим. Ўқитувчилик ишида муваффақиятга эришиш учун ҳар бир муаллим педагогик маҳоратни эгаллаши зарур. Педагогик маҳорат эгаси кам куч сарф қилиб, катта натижаларга эришади, ўз ишининг натижаси билан мўжизалар яратади, ижодкор бўлади. Педагогик ишга қобилиятли, истеъдодли кишидагина педагогик маҳорат бўлиши мумкин. Педагогик фактлар ва уларнинг таҳлили шундан далолат берадики, муаллим ўқувчилар билан муомалада маълум ахлоқий талаблар, мезонларга амал қилиши зарур.

Педагогик фаолият жараёнида муаллим ҳар бир ўқувчининг кадр-қимматини инсон сифатида ҳурмат қилиши, ўқувчига нисбатан ишонч, ўқувчининг билими ва хулқини баҳолашда талабчан, адолатли бўлиш, болаларда ўз-ўзига нисбатан талабчанлик ва танқидий муносабатни ўстириш, меҳрибон, ғамхўр бўлиши, мушкул вазиятга тушиб қолганда унга кўмаклашиш, низоларни ахлоқий мезонлар асосида ҳал этиши, жамоанинг фикр-мулоҳазаларини эътиборга олиш, уларга ишонч билан қараш, болалар билан муомала ва муносабатларда уларнинг ҳар бирига алоҳида ёндашиш, педагогик тактни сақлаш муҳим ҳисобланади. Таълим методларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва муваффақияти ўқувчилар мустақиллиги ва ижодий фаоллигини ривожлантиришга қанчалик ёрдам беришига боғлиқ. Ўқитувчи ўқувчиларга мустақил фаолият кўрсатиши учун шароит яратса, ўқувчилар билимларини бамисоли ўзлари олаётгандек ҳис этишса, мазкур метод самарали бўлади. Таълим методларида ўқитувчининг қиёфаси, унинг дунёқарashi, унинг психологик-педагогик, методик ва махсус илмий тайёргарлиги намоён бўлади. Ўқитувчи педагогик фаолияти давомида кўпгина омилларни тўплайди, таҳлил қилади. Педагогик қобилиятни ривожлантиришда ўқитувчилик касбига қизиқиш, ҳавас катта роль ўйнайди. Қизиқиш билан бажариладиган фаолият, у қанчалик мураккаб бўлмасин, ҳатто муваффақиятсизликларга учрамасин, кишига катта ички қониқиш, мамнуниятлик бахш этади. Ўқитувчининг билими қанчалик кенг ва чуқур бўлса, унда ўқувчиларга шу билимни бериш иштиёқи шунчалик зўр бўлади. Бундай ўқитувчи энг яхши педагог ҳисобланади, уларнинг кўпчилиги ўз фанининг усталари, методистлари бўлиб қолади. Педагогик фаолиятнинг назарий асосий касбга оид билимлардир. У фақатгина ўз предметини эмас, балки педагогика ва психологияга доир билимларини ўзлаштириши ва уларни мунтазам тўлдириб бориши лозим. Илғор педагогик технологиянинг марказида таълим жараёнининг раҳбари ҳамда шу жараённинг субъекти ҳам объекти бўлган ўқитувчи ва ўқувчи туради.

Шундай экан, бу икки шахснинг ҳамкорлиги, ўзаро мулоқоти, бир-бирига кўрсатадиган таъсири энг замонавий ва миллий талаблар асосида ташкил топиши керак. Бунинг учун биринчи навбатда, ўқитувчи таълим-тарбия жараёни олдига қуйилган талаблар, таълимни ташкил этиш ва бошқариш тамойиллари ҳамда йўллари, ўқувчини ақлий ва жисмоний жиҳатдан ривожлантириш усуллари, у билан ҳамкорлик қилиш, уни ўқишга, ўрганишга йўналтириш, ўқувчи шахси фаолиятини тўғри ташкил этиш, улар билан мулоқотга киришиш, муоаммо ва келишмовчиликларни бартараф этиш, синфда ижодий, ишчан муҳитни вужудга келтириш, ўқувчи фаолиятини аниқ ва тўғри баҳолаш методлари билан қуролланган бўлиши лозим.

3. Она тили ва адабиёт фани ўқитувчиларига қўйиладиган талаблар

Она тили ва адабиёт фани ўқитувчиларига қуйидаги давлат талаблари қўйилади:

- “Давлат тили” ҳақидаги Қонунни билиши;
- янги таҳрирдаги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг олдинги дастур ва ДТСдан фарқини аниқ билиши;
- таълимга оид меъёрий ҳужжатлардаги янгиликларни мавзулар мазмунига сингдириб ўқитиш методикасини билиши;
- она тили ва адабиёт фанидан яратилган янги муқобил дарсликларни таҳлил қила олиши ва улар билан ишлаши;
- тилшуносликдаги назарий хулосаларни амалиёт билан боғлай олиши;
- она тили таълимида 1930-1999-йилларда амалда бўлган формал ва 1999 йилдан бошлаб киритилган субстанциал илмий талқинлари орасидаги мақсад, усул ва восита фарқларини билиши;
- она тили бўйича илмий-тадқиқот, методик ишларни олиб бориш талабларини билиши амалиётга татбиқ эта олиши;
- она тили йўналишида ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий педагогик таълимнинг давлат таълим стандартлари ҳақида маълумотга эга бўлиши;
- соҳа бўйича синфдан ва мактабдан ташқари машғулотлар ҳамда тўғрақ ишларини режалаштириш, ташкил этишнинг янги шакллари билиши;
- метод бирлашма ишларини ташкил қилиш ва ДТС талаблари асосида фан хонасини жиҳозлаш талабларини билиши;
- анъанавий, ноанъанавий дарслар, дарс тизими, дарс типи ва дарс турларини бир биридан фарқлаши ва тўғри танлай олиши;
- она тили дарсларида тил ва нутқ кўникмаларини назорат қилиш, ёзма ишларни ўтказиш, мураккаб мавзулар бўйича тестлар тузиш ҳамда уларни қўллаш методикасини билиши;
- она тили бўйича етук мутафаккирларнинг маънавий ва маърифий, маданий меросларини билиши ва таълим-тарбия жараёнида улардан фойдаланиш малакасига эга бўлиши;
- она тили йўналишидаги илғор иш тажрибаларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдаланиш малакасига эга бўлиши;
- синф раҳбари ишининг мазмун ва мундарижасини, шакл ва усулларини билиши ва уни олиб бориш малакасига эга бўлиши;
- она тили фанидан иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, саралаш ва уларга табақалашган таълим бериш методикасини билиши;
- она тили бўйича муаммолар, янгиликлар, кашфиётлар, илмий изланишлар, миллий ва жаҳон педагогикаси тараққиётидаги тадқиқотлар ҳақида маълумотга эга бўлиши;
- она тили дарсларида фойдаланишга мўлжалланган қомус ва ўқув луғатларини билиш ва улардан амалий фойдалана олиш малакаларига эга бўлиши;
- умумий ўрта таълим муассасасида илмий-услубий, тажриба-синов ишларини олиб бориш тартиб-қоидаларини эгаллаган бўлиши;
- адабиёт фанини ўқитиш орқали ўқувчилар маънавиятини шакллантириш йўллари билиши;

- янги авлод кадрларини тайёрлашда адабиёт фанининг роли катта эканлигини билиши. Адабиёт фани бўйича янги тахрирдаги ДТС ва модернизация қилинган ўқув дастурлари асосида УЎТ мактабларида тажриба-синов натижаларини билиши;

- адабиёт бўйича илмий-тадқиқот, методик ишларни олиб бориш талабларини билиши, амалиётга татбиқ эта олиши;

- адабиёт йўналишида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий педагогик таълимнинг давлат таълим стандартлари ҳақида маълумотга эга бўлиши;

- адабиёт соҳаси бўйича етук мутафаккирларнинг маънавий ва маърифий, маданий меросларини билиши ва таълим-тарбия жараёнида улардан фойдаланиш малакасига эга бўлиши;

- адабиёт йўналишидаги илғор иш тажрибаларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдаланиш малакасига эга бўлиши;

- она тили ва адабиёт фанини ўқитиш бўйича тажриба алмашиш ва илғор тажрибаларни оммалаштириш йўллари билиши ва хужжатларни расмийлаштириш қоидалари билан таниш бўлиши;

- синф раҳбари ишининг мазмун ва мундарижасини, шакл ва усулларини билиши ва уни олиб бориш малакасига эга бўлиши;

- адабиёт фанидан иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, саралаш ва уларга табақалашган таълим бериш методикасини билиши;

- адабиёт бўйича муаммолар, янгиликлар, кашфиётлар, илмий изланишлар, миллий ва жаҳон педагогикаси тараққиётидаги тадқиқотлар ҳақида маълумотга эга бўлиши;

- умумий ўрта таълим муассасасида илмий-услубий, тажриба-синов ишларини олиб бориш тартиб-қоидаларини эгаллаган бўлиши;

- адабиёт йўналишида ва бошқа фанлар кесимида дарс кузатиш, таҳлил қилиш малакасига эга бўлиши;

- умумий ўрта таълим муассасаси педагог ходимларини аттестация қилиш ва тоифаларини кўтариш тартиб-қоидалари ҳақида тушунчага эга бўлиши;

- мустақил равишда ўз малакасини оширишнинг йўл ва усулларини билиши ва эгаллаган бўлиши керак.

Назорат учун саволлар:

1. Қандай дарсни замонавий дарс деб айта оламиз?

2. Ўқитувчи шахсига қўйилган талаблар ҳақида маълумот беринг?

3. Сизнингча, замонавий ўқитувчи қайси жиҳатлари билан бошқалардан ажралиб туради?

4. Она тили ва адабиёт ўқитувчисига қўйилган давлат талаблари нималардан иборат?

5. Сиз ўз фаолиятингизни қандай баҳолайсиз? Замонавий ўқитувчи бўлишингиз учун яна қандай хусусиятларни ўзингизда мужассам этишингиз керак?

4-маъруза: Она тили ва адабиёт дарсларида қўлланиладиган замонавий технологиялар ва инновациялар

Режа

1. Замонавий таълим технологиялари ва усуллари.
2. Она тили ва адабиёт дарсларида қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар.

1. Замонавий таълим технологиялари ва усуллари

Ҳозирги замон таълимнинг асосий мақсадларидан бири ўқувчи шахсини ривожлантиришдир. Ривожлантирувчи таълим маълум бир вақтда, ўқувчининг таълимий, тарбиявий, маънавий, руҳий ва жисмоний ривожлантириш ҳамда уни тез ўзгарувчан дунёда жамиятга, ҳаётга мослашувини таъминловчи таълим назарияси ҳисобланади.

Ўз келажагини ўйлаган ҳар бир давлат жамият ҳаётидаги шахсга тааллуқли барча ижтимоий таъсирларни инсоннинг ривожланиши учун, унинг ўзлигини англаши ва намоён қила олиши учун мақсадли равишда йўналтира олган бўлиши керак.

Ривожлантирувчи таълим технологиялар қўлланганда, ўқувчилар қизиқишининг ортишига, билимларнинг кўникмага айланишига, билим сифат-самарадорлигининг ошишига сабаб бўлмоқда.

Маълумки, бошланғич таълим ўқувчиларнинг ақлий ривожланишлари, маънавий фазилатларини ривожлантириб боришга асос яратади. Бу даврда болага бериладиган билимлар воситасида шахснинг онги, тафаккури, дунёқарashi ва маънавий дунёсини ўстириб ривожлантириб бориш-таълимда боланинг ривожланиш жараёнини ташкил этишнинг асосий кўринишларидан биридир.

Бошланғич таълимда амалий фаолият ва турли қизиқарли воситалар асосида керакли билимлар сингдирилиб борилади. Бу фаолият жараёнида ўқувчи бирон бир натижага эришиши, образлар орқали тасаввур қилиши, ўз кўли билан бирон нарсаларни яратиши, ижод қилиши орқали ривожлантирилиб борилган бола ўз менини англай бошлайди.

Ривожлантирувчи таълимнинг мақсади - ўқувчиларда мантиқий, танқидий, таҳлилий, ижодий фикрлашни ривожлантириш орқали баркамол шахсни шакллантиришдан иборатдир.

Ривожлантирувчи таълимнинг вазифаси - шахснинг индивидуал камол топиши учун зарур бўладиган ҳаётий кўникма ва малакаларини ривожлантириш саналади.

Ривожлантирувчи таълимнинг ўзига хос хусусиятлари - ўқувчиларда топшириқларни ечишга оид назарий тушунча ва амалий кўникма, малакаларни шакллантиради. Ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Ривожлантирувчи таълимнинг асосий йўналишлари:

1. Муаммоли таълим.

2. Эвристик таълим.
3. Тадқиқотчилик таълим.
4. ИМЕН (ТРИЗ) (ихтирочилик масалаларини ечиш назарияси).

Ривожлантирувчи таълим технологиясининг етакчи тамойиллари:

- инкорпорация(тизимли фаолият кўрсатиш) – турли фанларга оид билимларни умумлаштириш;
- мосланувчанлик – таълим шакли, усули ва усулларининг турли таълим муассасаларида қўлланувчанлиги;
- уйғунлик – муайян ўқув предметига оид ўқув материали мазмунининг шахсини ривожлантириш шакл, усули ва усуллар билан уйғунлиги;
- яратувчанлик – турли таълим муассасалари педагогларининг педагогик технологияларини яратиш имкониятлари;
- табиийликка асосланиш – генетик ва ижтимоий жиҳатларга мувофиқ ўқувчиларнинг ўзига хос шахсий хусусиятларини ҳисобга олишдан иборатдир.

Замонавий таълимнинг айрим технология ва усуллари:

| Технологиялар | Усуллар |
|--------------------|-----------------------|
| “Бумеранг” | “Ақлий ҳужум” |
| “ФСМУ” | “Гуруҳларда ишлаш” |
| “Венн” диаграммаси | “Ролли ўйин” |
| “Балиқ склети” | “Ишбилармонлик ўйини” |
| “Елпиғич” | “Рефлексия” |
| “Занжир” | “Тақдимот” |
| “Зинама-зина” | “Галерея” |
| “6x6x6” | “Т жадвал” |
| Технологиялар | Усуллар |
| “Бумеранг” | “Ақлий ҳужум” |
| “ФСМУ” | “Гуруҳларда ишлаш” |

2. Она тили ва адабиёт дарсларида қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар

“ФСМУ” ТЕХНОЛОГИЯСИ – мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс-мунозаралар ўтказишда ёки машғулот якунида (ўқувчиларнинг дарс ҳақидаги фикрларини билиш мақсадида) ёки ўқув режаси асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач қўлланилиши мумкин. Чунки бу технология ўқувчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан қаторда ўқувчиларни ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишда, қай даражада эгаллаганликлари баҳолаш ва баҳслашиш маданиятига ўргатади.

Мақсад: ушбу технология ўқувчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз

фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларини баён этишга ёрдам беради.

Ўтказиш технологияси:

Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади.

1-босқич

- ўқитувчи ўқувчилар билан бирга баҳс мавзусини ёки муҳокама этилиши керак бўлган муаммони, ёки ўрганилган бўлимни белгилаб олади;
- ўқитувчи ўқув машғулотида аввал ҳар бир ўқувчи якка тартибда ишлаши, кейин эса кичик гуруҳларда иш олиб борилиши ва ниҳоят дарс охирида жамоа бўлиб ишланиши ҳақида ўқувчиларга маълумот беради;
- машғулот давомида ҳар бир ўқувчи ўз фикрини эркин ҳолда тўлиқ баён этиши мумкин эканлиги эслатиб ўтилади.

2-босқич

Ҳар бир ўқувчига ФСМУ технологиясининг 4-босқичи ёзилган қоғозлар тарқатилган:

Ф - фикрингизни баён этинг.

С - фикрингизни баёнига **сабаб** кўрсатинг.

М - кўрсатган сабабингизни исботлаб **мисол** (далил) келтиринг.

У - фикрингизни **умумлаштиринг**.

Тарқатма материалнинг тахминий нусхаси.

Ҳар бир ўқувчи якка тартибда қоғоздаги ФСМУ-нинг 4-босқичини ўз фикрларини ёзма баён этган ҳолда тўлдиради.

3- босқич

Ҳар бир ўқувчи ўз қоғозларини тўлдириб бўлгач, тренер уларни кичик гуруҳларга бўлинишларини илтимос қилади ёки ўзи турли гуруҳларга бўлиш усулларидадан фойдаланган ҳолда ўқувчиларни кичик гуруҳларга бўлиб юборади;

ўқитувчи ҳар бир гуруҳга ФСМУ технологиясининг 4-босқич ёзилган катта форматдаги қоғозларни тарқатади;

ўқитувчи кичик гуруҳларга ҳар бирлари ёзган қоғозлардаги фикр ва далилларни катта форматда умумлаштирган ҳолда 4-босқич бўйича ёзишларини таклиф этади.

4- босқич

- кичик гуруҳларда аввал ҳар бир ўқувчи ўзи ёзган ҳар бир босқичдаги фикрлари билан гуруҳ аъзоларини таништириб ўтади. Гуруҳ аъзоларининг барча фикрлари ўрганилгач, кичик гуруҳ аъзолари уларни умумлаштиришга киришади;

- гуруҳ аъзолари ФСМУ нинг 4-босқичини ҳар бири бўйича умумлаштириб, уни ҳимоя қилишга тайёргарлик кўрадилар;

- Фикрларни умумлаштириш вақтида ҳар бир ўқувчи ўз фикрларини ҳимоя этиши, исботланиши мумкин.

5- босқич

- кичик гуруҳлар умумлаштирилган фикрларини ҳимоя қиладилар: гуруҳ вакили ҳар бир босқични алоҳида ўқийди иложи борича изоҳ бермаган ҳолда. Баъзи бўлимларни исботлаши, яъни гуруҳларнинг айнан нима учун, шу

фикрга келганини айтиб ўтиши мумкин.

6- босқич

- ўқитувчи машғулотга яқун ясайди, билдирилган фикрларга ўз муносабатини билдиради;

Қуйидаги саволлар билан ўқувчиларга мурожаат қилади:

1. Ушбу тренинг ёрдамида нималарни билиб олдингиз ва нималарга ўргандингиз?

2. Ушбу технологияни ўқув жараёнида қўлланилиши қандай самара берди?

Намуна:

Она тили фанининг ўқув дастурида “Тасвирий ифода” мавзуси берилган бу мавзунини ўтишда “Тасвирий ифода”лар ҳам ўзбек тили ифода воситаларининг бир кўриниши эканлиги, оғзаки ва ёзма нутқда тутган ўрни ҳақида қисқа изоҳ беради. Тасвирий ифодани ўқувчиларнинг ўзлари топишга жалб қилади. Мисол учун, шеър ўқиб беради.

«Кўрдим, Шукур Бурхон» асари

Кўрдим: Шукур Бурхон “Ҳамза”дан чиқиб,

Аста пиёдалаб кетди бир куни.

Бир ён гавжум кўча, бир ён расталар,

оломон...

Кўпчилик билмади уни.

Репетиция ўтган. Мана у борар,

Чарчоқ, тунд...

Парвосиз ҳаракат аро.

Ҳозиргина улуғ шоҳ Эдип эди,

Энди фуқародан баттар фуқаро.

Устоз! Замонларнинг дониш макрини

Кўчада гримсиз кўрсатишми бу?!

Кеча йиғлаб сизга талпинган жонлар

Бугун танимасдан ўтарлар, ёху!

Шеърни ўқитувчи ифодали ўқиб беради. Сўнгра шеърда тасвирланган ҳолатни тасаввур қилиш ва ўзида қандай бир туйғулар сезганлигини гапириб бериш сўралади, тасвирий ифодалар аниқланади. Ўқитувчи ўқувчилар баёнини умумлаштириб, адиб “замонларнинг дўниш макрини” дея кўплаб ўхшатишлар, жонлантиришлардан фойдаланиб, ўзига хос тарзда нафис, гўзал ифодалаб бергани, ўзбек тилининг бой ифода воситаларидан ўринли ва унумли фойдалангани, ўзбек тили имкониятининг бекиёслиги шеърда ўз ифодасини топганлигини айтиб ўтади. Ўқитувчилар юқоридаги босқичлар асосида ўқувчиларнинг фикрларини умумлаштиради.

“ИККИ ҚИСМЛИ КУНДАЛИК” ТЕХНОЛОГИЯСИ - бу педагогик технология бўлиб, ёзма нутқни ривожлантиради. Бу услуб ўқиб чиқилган мавзу бўйича тушунчаларни шахсий тажриба билан боғлашга имкон беради.

Мақсад: ўрганилаётган мавзуга қизиқиш уйғотиш, ёзма нутқни

ривожлантириш.

Ўтказиш босқичлари:

1-босқич. Ўқувчиларга олдиндан тайёрлаб қўйилган матн ўқиш учун таклиф этилади.

2-босқич. Ҳамма матн билан танишганига ишонч ҳосил қилиб, дафтарни вертикал чизиқ билан иккига бўлиш сўралади.

3-босқич. Ўқувчиларга, дафтарни чап томонига муаллиф цитаталар (ғоялари, фикрлари)ни ёққанларини (ёки ёқмаганларини) ёзишлари айтилади.

4-босқич. Ўнг томонга ўқувчи мазкур цитатага берилган ўзини изоҳини ёзади, яъни ўқилган матн ҳақидаги тушунчасини умумлаштириб беради.

5-босқич. Топшириқни шу қисми тугагандан кейин ўқувчиларга (ўз хоҳишига кўра) биттадан цитаталарни ва уларга ёзилган изоҳни ўқиш таклиф этилади. Цитата ва уларнинг изоҳи ўқиладиганда савол бериш ёки мазкур цитатага ўз изоҳини беришга рухсат этилади.

6-босқич. Ўқувчилар шерик (учликлар ёки кичик гуруҳлар) бўлиб ҳам ишлашлари мумкин.

Намуна:

Адабиёт дарси 5-синф ўқув дастурида берилган Ойбекнинг “Ўзбекистон” шеърини ўтишда “Икки қисмли кундалик” технологияси асосида шеърнинг моҳиятини оддий йўллар билан ўқувчига етказиши мумкин.

*Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди,
Бир ўлкаки, қишларида шивиллар баҳор
Бир ўлкаки, сал кўрмаса, қуёш соғинар...
Бир ўлкаки, гайратидан асаби чақнар.*

Юқорида келтирилган босқичлар асосида иш юритилади, ўқувчилар 2 босқичга кўра, дафтарларини вертикал чизиқ билан иккига бўлиб, 3 босқичга кўра чап томонига муаллиф ғоялари-тупроғида олтин гуллайди, қишларда шивирлар баҳор каби сўзларни ёзишлари айтилади. 4-босқичга кўра, ўнг томонга ўқувчи мазкур сўзлар изоҳини ёзади, яъни ўқилган шеър ҳақидаги фикрларини умумлаштириб айтади. Бунда ўқувчилар гуруҳ бўлиб ишлашлари ҳам мумкин.

Ўқувчиларнинг фаолияти ўқитувчининг диққат марказида бўлиши керак. Чунки ўқувчининг фикрлаш олами ва ватанини билиш, ўзлигини кашф этиш борасида ўзларича фикр юритадилар, таҳлил қиладилар, муносабат билдирадилар. Бу жараёнда ўқувчининг иш қуроли дарслик саналади. Шеър мазмунини яхши тушунган ўқувчилар шеърни осон ёдлашга эришади.

“ЗИНАМА-ЗИНА” ТЕХНОЛОГИЯСИ – бу технологияни ўтказиш учун ўқитувчи ўқувчиларга рангли карточкалар ёрдамида тенг сонли кичик гуруҳларга ажратади.

Ҳар бир кичик гуруҳ учун сардорлар тайёрланади. Сардорлар мавзу саволларини олиб, ўқувчиларга бирма-бир бериб боради.

Агар гуруҳ 6 та ўқувчидан ташкил топган бўлса, ҳар бир ўқувчи саволга

жавоб бериши лозим. Саволлар гуруҳ сардорлари томонидан ўқувчиларнинг жавобларини назорат қилинади.

Ўқувчилар ҳар бир тўғри жавоб учун бир баллдан тўплаб жами 5 баллгача балл тўплаши мумкин. Шундан сўнг, ўқитувчи ўқувчиларнинг тўплаган балига қараб қайта гуруҳлайди. Ҳар бир гуруҳ ўзларининг иқтидорига қараб турли хилдаги топшириқларни беради. Ўқувчилар бу топшириқларни бажариб бўлгандан сўнг, ўзаро савол жавоб ўтказадилар ҳар бир гуруҳ ўз топшириқларини кўргазмалли қурооллар асосида баён этади. Топшириқни мукамал бажарган кичик гуруҳларда ғолиблар аниқланади ва рағбатлантирилади.

“БУМЕРАНГ” ТЕХНОЛОГИЯСИ. Бу технология ўқувчи (ёки ўқувчи)ларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материални ёдида сақлаб қолиш, сўзлаб бериш, фикрини эркин ҳолда баён эта олиш, қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлиш ҳамда дарс мобайнида ўқитувчи томонидан барча ўқувчиларни баҳолай олишга қаратилган.

Мақсад-ўқув жараёни мобайнида тарқатилган материалларни ўқувчилар томонидан яқка ва гуруҳ ҳолатида ўзлаштириб олишлари ҳамда суҳбат-мунозара ва турли саволлар орқали тарқатма материаллардаги матнлар қай даражада ўзлаштирилганлигини назорат қилиш ва баҳолаш ҳамда ўқув жараёни мобайнида ҳар бир ўқувчи томонидан ўз баҳо (балл) ларини эгаллашга имконият яратишдан иборатдир.

Технологиянинг қўлланиши – амалий машғулотлар, семинар ёки лаборатория машғулотлари ҳамда суҳбат-мунозара шаклидаги дарсларда яқка тартибда, кичик гуруҳ ва жамоа шаклида фойдаланиши мумкин.

Машғулотда фойдаланиладиган воситалар. Ўқувчи дарс жараёнида мустақил ўқишлари, ўрганишлари ва ўзлаштириб олишлари учун мўлжалланган тарқатма материаллар (ўтилган мавзу ёки янги мавзу бўйича қисқа матнлар, суратлар, маълумотлар).

Машғулотни ўтказиш тартиби:

Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади:

- ўқувчилар кичик гуруҳларга ажратилади;
- ўқувчилар дарс (машғулот)нинг мақсади ва тартиби билан таништирилади;
- ўқувчиларга мустақил ўрганиш учун мавзу бўйича матнлар тарқатилади;
- берилган матнлар ўқувчилар томонидан яқка тартибда мустақил ўрганилади;
- ҳар бир гуруҳ аъзоларидан янги гуруҳ ташкил этилади;
- янги гуруҳ аъзоларининг ҳар бири гуруҳ ичида навбати билан мустақил ўрганган матнлари билан ахборот алмашадилар, яъни бир-бирларига сўзлаб берадилар, матнни ўзлаштириб олишларишга эришадилар;

- берилган маълумотларни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун гуруҳ ичида ички назорат ўтказилади, яъни гуруҳ аъзолари бир-бирлари билан савол-жавоб қиладилар;
- янги гуруҳ аъзолари дастлабки ҳолатдаги гуруҳларига қайтадилар;
- дарснинг қолган жараёнида ўқувчилар билимларини баҳолаш ёки тўплаган балларини ҳисоблаб бориш учун ҳар бир гуруҳда “гуруҳ ҳисобчиси” тайинланади;
- ўқувчилар томонидан барча матнлар қай даражада ўзлаштирилганлигини аниқлаш мақсадида ўқитувчи ўқувчиларга саволлар билан муносабат этидилар, оғзаки сўров ўтказадилар;
- ҳар бир гуруҳ аъзоси томонидан гуруҳдаги матннинг мазмунини ҳаётга боғлаган ҳолда биттадан савол тузилади;
- гуруҳлар томонидан тайёрланган саволлар орқали савол-жавоб ташкил этилади (“гуруҳ ҳисобчилари” берилган жавоблар бўйича балларни ҳисоблаб борадилар);
- гуруҳ аъзолари томонидан тўпланган умумий баллар йиғиндиси асосида ғолиб гуруҳ аниқланади.

Намуна:

Адабиёт фанининг 6-синф дастурида берилган Э.Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидасини ўқишда “Бумеранг” технологиясидан қуйидагича фойданиш мумкин. “Бумеранг” технологиясини қўллашдан мақсад шуки, ўқувчилар бевосита шеърини мисралардаги ғояларни сўзларда баён этишга, бир-бирларининг фикрига танқидий муносабатда бўлишга, аниқ, маъноли сўзларни ёзиш учун ижодий ёндошишга, ўзларининг билимини баҳолашга эришилади, шунингдек, мавзунинг моҳиятини тўлароқ англаши учун замин яратилади. Бу технологияни қўллаш тартиби қуйидагича ташкил этилади.

Гуруҳ аъзоларига иш тартибини, вақтни тушунтириши билан ўз столларидаги А. Навоий, Беруний, Фаробий, Машраб, Улуғбек, Хоразмий каби буюк алломалар (тарқатма материаллардан намуна: Форобий ўз замонаси илмларнинг барча соҳасида ката ҳисса қўшганлиги, Шарқ мамлакатларида унинг номи улуғланиб, “Ал-Муаллим ас-соний” – “Иккинчи муаллим” “Шарқ Арастузи” деб юритилган. Форобий туркий қабилалардан бўлган ҳарбий хизматчи оиласида, Сирдарё қирғоғидаги Фороб – Ўтрор деган жойда туғилган. Форобий бошланғич маълумотни она юрти, сўнг Тошкент (Шош), Бухоро, Самарқандда ўқиди. У 160 дан ортиқ асар яратган. Буюк ватандошимиз Абу Наср Фаробийнинг ижтимоий- сиёсий ҳаёт, давлатни бошқариш масалаларига, фикршунослик, этика, педагогикага доир асарлари, “Бахт саодатга эришув йўллари” (“Рисола фи-т танбех ола асбоб ас- саодат”), “Шаҳарни бошқариш” (“Ас-сиёсат ан-мадания”), “Уруш ва тинч турмуш ҳақида китоб” (“Китоб фитойии ва-л хуруб”), “Фазилатли хулқлар” (“Асафрат ал-Фазила”) шулар жумласидандир) ҳақида маълумотларни ўқиб чиқишади ва ҳар бир гуруҳ тенг бўлинишиб, янги гуруҳ ташкил этишади. Янги гуруҳлар иккинчи столдаги маълумотлар билан ҳам танишади ва

Ўзларининг билган маълумотлари асосида бир-бирларига сўзлаб беришади. Сўнгра янги гуруҳ аъзолари дастлабки ҳолатдаги гуруҳларига қайтадилар ва қасида ғоясидан келиб чиққан ҳолда, ўқиган, эшитганлари асосида:

1-гуруҳ “Ўзбекистон алломалар юрти”,

2-гуруҳ “Адиб ижодиётига бир назар”,

3-гуруҳ “Куй авжида узилмасин тор”,

4-гуруҳ “Шоир-у шеър-у шуур” мавзуларида ўз тақдимотларини яратишга киришадилар. Тақдимот гуруҳдаги ихтиёрий ўқувчи томонидан тингланади, умумий баҳоланади.

Ўқитувчи мавзунини мустаҳкамлаши босқичида “мунозара” усулидан фойдаланилиб, қасидада тилга олинган буюк алломалар ҳақида ўзаро суҳбатлашишлари мумкин.

Ўқитувчи адабиёт фани билан бошқа фанлар орасидаги алоқасига ҳам алоҳида эътибор қаратади.

Оғзаки сўров учун саволларни қуйидагича тузиш мумкин.

1. Берунийнинг илмий ишлари, асарлари ҳақида нима биласиз?

2. Ҳозирдаги юртимиздаги энг катта глобус қаерда сақланади?

3. Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” номли машҳур асарида халқ раҳбари қуйидаги 12 та фазилат(соғлиқ, фаросатли, зеҳнли, пок ниятли, ҳақгўй бўлиши каби)га эга бўлиши тилга олинган. Шу фазилатларнинг қайси бири ҳақида асосли фикр айта оласиз?

4. Улуғбек нечанчи йил Мовароуннаҳр ва Туркистоннинг ҳоқими этиб тайинланган?

5. Сирдарё ва Амударёларнинг қадимий номларини биласизми?

Саволлар берилгач, гуруҳ аъзолари ўқиган билганлари асосида баҳслашадилар. Ўқитувчи савол-жавоб давомида яхши қатнашган ўқувчи қайси гуруҳдалигини кузатади ва унинг билимини баҳолайди.

“НУҚТАИ НАЗАРИНГ БЎЛСИН” УСУЛИ

Мақсади:

- ўқувчилар муайян муаммога ўз нуқтаи назарини асосли далиллаб, ҳимоя қилишга ўрганадилар;

- ўқувчига муаммо муҳокамаси жараёнида ўз фикрини ўзгартириш имконини бериш;

- ўқитувчи барча ўқувчиларни мунозарага жалб этиш ва синфдаги ҳамма ўқувчилар ўртасида мунозара жонланишини юзага келтириши мумкин.

“Нуқтаи назаринг бўлсин” усули ўқувчилар ўртасида мунозара юзага келиши ва улар мунозара жараёнида ўз фикрларини ўз синфдошларидан уларнинг нуқтаи назарини ўзгартиришга ишонтирадиган ғояларни эшитиб ўзгартириш ёки аввалгисини мустаҳкамлаш имконини бериш мақсадида қўлланади. Ўқувчилар шунингдек, мактаб, минтақа, республика ва жумла инсоният учун характерли бўлган энг долзарб муаммолар ўз нуқтаи назарларини асосли далиллаш ва ҳимоя қилишга ўрганадилар.

Ўқувчи очикдан-очик саволлар усули билан одатда дарс жараёнида фаол бўлмаган ўқувчиларни мунозарада иштирок этишга мажбур қилади.

Машқни ўтказиш услубияти

1. Тайёргарлик: ўқитувчи синфнинг тўрт бурчагига ёки синфнинг маълум очик маконига тўртта табличка осиб кўяди.

2. Синф ўлчам ёки ўқувчилар сонига боғлиқ ҳолда олти ёки саккиз кўнгиллини чақиради. Борди-ю, ўйинда синф ўқувчиларнинг бир қисми иштирок этса, унда қолганлари ўз жойларида ўтираверадилар.

3. Ўйин пайтида банд бўлиши учун иштирок этмаётган ўқувчиларга ҳам топшириқ бериш зарур.

Ўйиннинг ўзини бошлашдан аввал ўқитувчи дарсга йўл-йўриқлар бериши зарур, жумладан:

1. Такидлов ўқиб берилганидан кейин ўз фикрингизга мувофиқ табличкалар ёнидан жой эгалланг?

2. Ўз нуқтаи назарингизни асосли далиллаб беришга шай туринг?

3. Агар муаммога нуқтаи назарингизни ўзгартиришга ундовчи асосли далилни эшитсангиз, ўз ўрнингизни алмаштиришингиз мумкин.

4. Синфдошларингиз такидларига ўз фикрингизни баён этишга шай туринг?

5. Ўқитувчи ўйинда иштирок этмаётган ўқувчиларга топшириқлар беради, масалан:

- уларнинг фикрича энг аҳамиятли таъкидловларни ёзиб бориш;

-ўйин жараёнида ўз ўрнини ўзгартирмаган ўқувчиларни ёзиб бориш;

-энг асосли далиллаб берилган жавобларни ёзиб бориш.

Намуна:

Адабиёт фани 6-синф дастурида берилган Тоғай Муроднинг “Юлдузлар мангу ёнади” асари ғоясини тушунтиришда “Нуқтаи назаринг бўлсин” усулидан фойдаланиб дарсни ташкил этиш мумкин.

“Нуқтаи назаринг бўлсин” усулининг мақсади шуки, ўқувчини бевосита адибнинг ижодий ишлари, маънавий меросимизга қўшган улкан ҳиссалари тўғрисида (адибнинг ўзидан, ёру-дўстлари томонидан баён этилган) видеолавҳаларда кўсатиш, асардаги сўзларни ўқувчи томонидан ўқитилмай, балки асар қаҳрамонлари томонидан видеолавҳалар орқали етказишни таъминлашдан иборатдир.

Маълумки, инсон маълумотнинг кўп қисмини кўриш ва эшитиш органлари орқали қабул қилади. Бу технологиялар орқали дарсни ташкил этиш ўқувчиларни бир вақтда кўрганлари асосида ишлашга, бу улардаги тафаккурнинг ривожланишига ёрдам беради.

Ўқитувчи тайёрланган бу лавҳаларни кўрсатиш билангина мақсадга эришмайди, уни изоҳлаши, тўлдириб бориши, ўқувчиларни жалб қила олиши, танқидий-мушоҳадали фикрларини эшитиши, изоҳлаб, хулосалаб бориши лозим.

Тайёрланган видео лавҳада “Юлдузлар мангу ёнади” асар қаҳрамонларининг кураш жараёни тасвирга олиниб, (асар матни бўйича) уларнинг овозлари ҳам ёзилган тасвир кўрсатилади.

Тасвирда Бўри полвон Исмоил полвон билан кураш тушади, курашда

ғолиб бўлган Бўри полвонга қарата, муаллиф “Ёшлик-ёшлигини, кўпни кўрганлик-кўпни кўрганлигини қилди, тажриба, тажриба ғалаба қозонди” - дейди.

Савол – Бўри полвон қандай ғалаба қозонди. “Ёшлик-ёшлигини, кўпни кўрганлик-кўпни кўрганлигини қилди, тажриба, тажриба - ғалаба қозонди” сўзини ким қандай изоҳлайди?

“Нуктаи назаринг бўлсин” усули орқали ўқитувчи ўқувчиларнинг кураш жараёнини баҳолай олиши, курашда ғолиб бўлиш йўлларини топиши, савол юзасидан ҳар ким ўзининг мустақил (ўрнида танқидий)фикрини билдиришга алоҳида эътибор қаратади.

Ўқитувчи фикрларни умумлаштиради, хулосалайди, берилган саволларнинг жавобини ўқувчининг билдирган фикрларида эканлигини таъкидлайди, баҳолайди.

“МАЪРУЗА” УСУЛИ – мавзуни таълим берувчи томонидан “монолог” сифатида баён этишдир.

Мавзунинг ўзлаштирилишини яхшиловчи омиллар:

- мавзуни содда тилда баён қилиш;
- фикрларни қисқа ва аниқ ифодалаш;
- раvon тилда, яхши талаффуз билан гапириш;
- маъруза қисмларининг тузилиши ва мантиқий боғлиқлигини таъминлаш;
- мавзу қисмларига алоҳида эътибор бериш.

Мавзуни содда тилда баён этиш:

Мавзуни содда тилда баён этиш - уни таълим олувчиларга тушунарли тарзда етказишдир;

Унга қўйидагилар ёрдамида эришилади:

- қисқа ва содда тузилишга эга гаплардан фойдаланиш;
- оддий сўзларни ишлатиш;
- атамалар маъносини тушунтириб бериш;
- хорижий тиллардан кирган атамалардан иложи борича фойдаланмаслик;
- фаол феълларни ишлатиш;
- фикрларни кўргазмали баён қилиш;

Фикрларни қисқа ва аниқ ифодалаш:

- бутунлай ўқув мақсадига қаратилган;
- асосий мазмунга қаратилган;
- тўғри ифодалардан ташкил топган;
- муҳим ва керакли изоҳлар билан таъминланган бўлмоғи керак.

Раvon тилда, яхши талаффуз билан гапириш:

- таълим олувчилар учун эшитиларли баландликда;
- сўзларни аниқ талаффуз қилиш;
- керакли гапларга ва сўзларга урғу бериб, гапириш билан эришилади.

Маъруза қисмларини тузишда қўйидагиларга эътибор берилади:

- мавзу билан таништириш;

- мавзуни асослаш(аҳамиятини тушунтириш);
- маърузани мантиқий боғлиқлик асосида олиб бориш;
- маърузани яқунлаш.

Маърузани мантиқий боғлиқлигини таъминлашга:

- маълумотларни мантиқий кетма-кетликда бериш;
- маъруза қисмлари орасида ўзаро алоқалар бўлишини таъминлаш;
- бир фикрдан бошқасига сакраб ўтмаслик асосий ва асосий бўлмаган маълумотларни фарқлаш орқали эришилади.

Намуна: Ўқитувчи дарсларда ахборот коммуникацион технологияларни фойдаланишда “Маъруза” усули орқали дарсни қуйидагича ташкил этиши мумкин.

Ўқитувчи аввало ўқувчиларга информатика ўқитувчиси билан бирга тушунтириш ишларини олиб боради, яъни ўқувчининг қандай ўз блогини яратиши, ўз блогдан қандай фойдаланиши тушунтирилади. Фаннинг бўлими, чорак охирида тақдирот қилиниши белгиланиб, дастурдаги мавзулар ўқувчилар ихтиёрига қараб тақсимланади. Ўқувчилар мавзу танлаб, шу мавзу бўйича маъруза асосида ўз блогини яратади. Бунда ўқувчилар бири-бириникини ўқиши ҳамда дарсдан ташқари ҳам интернетдан фойдаланиб ўз блогини бойитиб бориши мумкин. Бундан кўзланган мақсад шуки, ўқувчилар дарс мавзусини ёритишга бевосита ўзларини жалб қилиш ва блог матни учун ҳаётий мисолларни, мазмунли маълумотларни қидириб топишини юклайди. Ҳар бир ўқувчининг маърузаси қайси мавзуда бўлишидан қатъи назар ўқитувчи томонидан алоҳида кўриб чиқилиши ва баҳоланиши лозим.

“АҚЛИЙ ҲУЖУМ” УСУЛИ – бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган усулдир.

“Ақлий ҳужум” усулининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида таълим берувчи томонидан берилган саволга таълим олувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Таълим олувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки “пинборд” доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. “Ақлий ҳужум” усулининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу усул тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

“Ақлий ҳужум” усулидан фойдаланилганда таълим олувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади. Шу жумладан, таълим олувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Таълим олувчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу усул таълим олувчиларда ижодий тафаккурни

ривожлантириш учун хизмат қилади. “Ақлий ҳужум” усули таълим берувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу усул дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.

2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда -янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.

3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда-мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

“Ақлий ҳужум” усулини қўллашдаги асосий қоидалар:

1. Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.

2. Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.

3. Ҳар бир таълим олувчи қатнашиши шарт.

Муаммоли савол берилади.

Фикр ва ғоялар эшитилади ва жамлаб борилади.

Фикр ва ғоялар гуруҳланади.

Аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

“Ақлий ҳужум” усулининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

а) Таълим олувчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришлари сўралади;

б) Таълим олувчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;

в) Таълим олувчиларнинг фикр-ғоялари тўпланadi;

г) Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади;

д) Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

НАМУНА: Адабиёт 8-синф дастурида берилган Озод Шарафиддиновнинг “Ўлсам айрилмасман қучоқларингдан” мақоласи мавзусини ўтишда “Ақлий ҳужум” усулидан фойдаланиб, қуйидаги сўзлар асосида ўқувчиларнинг янги мавзу юзасидан фикрларини умумлаштириш мумкин.

Ўқитувчи мавзуни тушунтириб бўлганидан сўнг, ушбу парчани ўқувчиларга ўқитади.

Мақолада муаллиф, *“Адибнинг эски жўвадаги кўримсиз, торгина, кичик залда эшитган Уйғун қаламига мансуб,*

Ватан – она сўзи нақадар лазиз,

Сенсан ҳар нарсадан мўътабар азиз,

Ҳикматингни сақлар ҳар бир ўғил-қиз,

Муқаддас, мўътабар, улуг Ватаним,

Ўлсам айрилмасман, қучоқларингдан.

ушбу шеър ҳақида, ҳаяжон билан қуйидагича; *“...шеър мисралари айниқса, ҳар бир банд охирида такрорланаётган “Ўлсам айрилмасман*

қучоқларингдан” деган ибора гўё юрагимда тугилиб, ичимдан жўшиб чиқаётгандек, учта оддий сўздан таркиб топган бу оташин хитоб шеър эмас, бутун умр амал қиладиган тантанавор қасамдай жаранларди.

Кейин чиндан шундай бўлди...” -деб ёзган.

Қуйидаги матнни ўқитувчининг ўзи ўқиб беради.

Илова:

“Жаҳон кенг, дунёда мамлакатлар кўп. Лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз якка-ю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга аталган. Мана шу улуг туйғу ҳар биримизнинг ҳаётимиз мазмунига айланишини истардим. Биз шундай маънавий муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, барча шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшинатиб турсин. (И. Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридан.)

Савол: Хўш, муаллиф нега “Ўлсам айрилмасман қучоқларингдан” деган, сизнинг фикрингизча қучоғи нима экан?

Ўқувчилар икки матн билан танишиб бўлгач, яхшигина тортишиб фикрлашадилар, бир вақтнинг ўзида мақола матни билан бирга унга боғлиқ юртимиз сарҳадлари, буюк қадамжолари ҳақида ўқувчиларни мавзу ичига чуқурроқ олиб киришни назарда тутати.

Бу усуlining танланишидан мақсад шуки, ўқувчилар орасида дўстона муҳитни вужудга келтириш, она Ватанни севиш ва унинг тупроғини эъозлаш, табиатга ва атрофимиздаги ҳар бир мавжудотга нисбатан меҳр туйғуларини уйғотишдан иборатдир.

АРРА УСУЛИ. Ушбу усул 1978 йилда Э.Аронсон томонидан ишлаб чиқилган. Педагогик амалиётда мазкур усулда кичик гуруҳлар 6-8 нафар ўқувчидан ташкил топади.

Методнинг мақсади шуки, кичик гуҳда ишлаши билан бирга жамоа ва кичик гуруҳлар фаолияти узвий олиб борилади, барча ўқувчилар тўлиқ жалб этилади, ўйлаган фикрларини ёзмада баён этиш кўникмаларини ривожлантиради.

Дарс давомида ўрганиладиган мавзу(ёзилган матн) мантиқан тугалланган қисмларга ажратилади. Ҳар бир қисм юзасидан ўқувчилар бажарилиши лозим бўлган ўқув топшириқлари тузилади. Ҳар бир ўқувчилар гуруҳи мазкур топшириқларнинг биттасини бажаради ва шу қисм бўйича “мутахассис”га айланади. Сўнгра гуруҳлар қайта ташкил этилади. Бу гуруҳларда ҳар бир қисм (блок ёки модул) “мутахассис” бўлиши шарт, мазкур “мутахассис”лар ўзлари эгаллаган билимларни худди “арра” тишлари кетма-кет келганидек навбат билан ўртоқларига баён қилишади. Мазкур гуруҳларда ўқув материали мантиқий кетма-кетликда қайта ишлаб чиқилади.

1986 йили Р.Славин “Арра” усулини қисман ўзгартириб, “Арра-2” усулини яратди. Мазкур усулга кўра кичик гуруҳ 4-5 ўқувчидан ташкил топади. Барча гуруҳ аъзолари ўқув материали юзасидан тузилган ягона топшириқ устида ишлайди. Гуруҳ ичида ўқувчилар топшириқларни қисмларга ажратиб, бўлиб оладилар. Ҳар бир ўқувчи ўзига тегишли қисмини

пукта ўзлаштириб “мутахасис”га айланади. Дарс охирида ҳар бир кичик гуруҳдаги “мутахасис”лар учрашуви қайта ташкил этилган гуруҳларда ўтказилади.

Ўқувчилар билими тест саволлари ёрдамида индивидуал тарзда ўтказилиб назорат қилинади ва баҳоланади. Гуруҳ аъзоларининг баллари жамланади, энг юқори балл тўплаган гуруҳ ғолиб саналади.

Намуна: Адабиёт фанидан 9 синф дастурида берилган “Алпомиш” достонини (2-соатини) ўтишда “Арра” усулидан фойдаланиб, ўқувчилардаги эгаллаётган билимларини текшириш мумкин.

Шартнинг қондасига кўра, бугун дарсдаги ўзлаштирган билими ва ойнаи жаҳонда кўрган-билганлари асосида асар қаҳрамони тилидан такрорланмаган фикрлар ёзилади.

Ўқитувчи “Болалик даврим”, “Халқим менинг бахтим”, “Бойсари дерлар менинг отимни” мавзулари ёзилган варақни гуруҳ аъзоларига тарқатади. Варақлар гуруҳларда ва жамоа кўлидан ўтади. Ҳар бир гуруҳ аъзоси қаҳрамон тилидан тез фурсатда маъноли мутахасис сифатида ниманидир ёзиши керак. Мисол учун, Ҳакимижоннинг болалик даври тўғрисида ўқувчилар “Алпинбий бобомдан қолган ўн тўрт ботмон биричдан бўлган парли ёйни кўтардим” -сўзларини ёзиши мумкин. Ўқитувчи бунинг натижасини ўқувчиларнинг ўзлари билан биргаликда умумлаштиради, хато сўзларни тўғирлаши асосида ягона варианты ишлаб чиқилади.

“КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ” УСУЛИ – таълим оловчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш ёки берилган топширикни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий ишни ривожлантиришдир.

Ушбу усул қўлланилганда таълим оловчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш имконига, бошловчи ролида бўлиш, бир-биридан ўрганиш ва турли фикрларни кадрлаш имконига эга бўлади. “Кичик гуруҳларда ишлаш” усули қўлланилганда бошқа интерфаол усулларга қараганда вақтни тежаш имконияти мавжуд бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим оловчиларни мавзуга жалб этади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” усулининг босқичси келтирилган.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” усулининг босқичлари:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим оловчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гуруҳлар топширикни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.

7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

Намуна: А.Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” асари ўтишда машғулотнинг бориши:

1-қадам: Ўқувчилар 1-4 гача бўлган рақамлар асосида “Кичик гуруҳлар”га бўлинадилар (1-2-3-4).

2-қадам: Гуруҳлар мавзу доирасида ўз гуруҳларига ном танлаб, изоҳ берадилар.

3-қадам. Ҳар бир гуруҳга саволлар берилади:

1-гуруҳ учун: А.Навоий ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот беринг?

2-гуруҳ учун: “Фарҳод ва Ширин” достонининг мазмун-моҳияти ҳақида фикрларингизни умумлаштиринг?

3-гуруҳ учун: “Фарҳод ва Ширин” достонидаги қаҳрамонларга муносабат билдиринг?

4-гуруҳ учун: “Фарҳод ва Ширин” достони нинг тарбиявий аҳамияти: Асар сизга қандай тасурот қолдирди? Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.

4-қадам: Ўқитувчи томонидан аниқ регламент, интизом, ҳамжихатлик, ўзаро ҳурмат, қисқа ва аниқлик бўйича кўрсатмалар берилади.

5-қадам: Кичик гуруҳлар ўз ишларини “**Такдимот**” қиладилар.

6-қадам: Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.

7-қадам: Кичик гуруҳлар иши баҳоланади.

Бу метод орқали ўзлаштириш яхшиланади, барча ўқувчилар машғулотга жалб этилади, мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашига олиб келади, вақт тежалади, ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

“МУАММОЛИ ВАЗИЯТ” УСУЛИ таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш, ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган усулдир.

“Муаммоли вазият” усули учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши зарур. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмаслик, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. “Муаммоли вазият” усули қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар.

“Муаммоли вазият” усулининг босқичлари:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қиладди.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.

3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади.

4. Кичик гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ тақдимот қилади. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

5. Бу босқичда муаммонинг оқибатлари тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларни тақдимот қиладилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама ва таҳлил қиладилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадиладар.

7. Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиладилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.

8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.

Намуна: Ўқитувчи А.Қаҳҳорнинг 7-синфдаги “Ўғри” ҳикоясини ўтишда экран орқали “Қобил бобога Амин нега ёрдам бермади?” - деган муаммоли савол асосида муаммоли вазият вужудга келтирилади, мавзунинг мазмунини тўлиқроқ ўзлаштиришга эришади. Ўқувчилар асардаги Қобил бобонинг ишонувчанлиги, кўнгли бўшлиги, соддалиги, Эллиқбоши Приставга хабар бермаганлиги тўғрисидаги жавобларни айтишади, жадвални тўлдиришади.

Топширикни гуруҳ аъзолари қуйидагича бажарадилар:

| “Оқловчи” | “Қораловчи” |
|---|--|
| Қобил бобо оиласининг тирикчилиги шу биргина хўкиз орқасидан ўтиб турарди | Қобил бобо ўта ишонувчан, мустақил фикрга эга эмас |
| | |

Гуруҳлар орасидан битта суд ижрочиси тайинланади. Суд ижрочиси охирида гуруҳларнинг ёзганларини хулосалайди ва ўқитувчиси билан биргаликда ҳукм чиқариб, тақдимотга олиб чиқади.

Суд ижрочиси ўз сўзини исботлаш учун гувоҳларни чақиради ва гувоҳликка чиққан ўқувчилар ўз ёзганларини исботлашга ҳаракат қиладилар, суд ижрочиси ўз асосларини баён қилади.

Ўқитувчи барча ўқувчининг жавобини умумлаштириш жараёнида қуйидагиларга эътиборини қаратиши лозим:

1. Муаммоли саволга аниқ жавоб топишга ундаш.

2. Муаммога алоқаси бор, -деб ўйлаган барча фикрларга эътибор қаратиш.

3. Кўрган, эшитган, ўқиганлари асосида мустақил фикрларини айтиш, ўз билимларини баҳолай олишга шароит яратиш.

4. Ҳар бир гуруҳ аъзоларининг мустақил фикрларини қисқа, лўнда, тиниқ, аниқ қилиб ифодалашларига кўмаклашиш.

5. Ўртоғининг ўзидан яхши фикрлашини сидқидилдан тан олишга,

уларга ҳавас қилишга, уларни паст даражада фикрлаётганлигини тан олишга йўналтириш.

6. Ўртоғининг ижобий жавобларини ўзлаштиришга ҳаракат қилиш.

7. Дарсликдан унумли фойдаланишни билиш.

Ўқитувчи умумлаштириш жараёнида аниқ асосли жавоб аниқланади, яхши иштирок этган ўқувчилар рағбатлантирилади, баҳоланади.

Мазкур ўйиндан мақсад-ўқувчиларга мавзу мазмунини чуқур етказиш билан бирга ҳаётда учрайдиган ҳақсизлик ва адолатсизликка қарши одилона кураша билишни ўргатишдан иборатдир.

Case study (кейс стади) “**Кейс - стади**” илк маротаба Гарвард университетининг ҳуқуқ мактабида 1870 йилда қўлланилган эди. 1920 йилда Гарвард бизнес-мактаби (HBS) ўқитувчилари юристларнинг ўқитиш тажрибасига таяниб, иқтисодий амалиётдаги аниқ вазиятларни таҳлил этиш ва муҳокама қилишни таълимнинг асосий усули этиб танлашганидан кейин мазкур ўқитиш услуби кенг татбиқ этила бошлади.

Кейс-стади (инглизча case - тўплам аниқ вазият stadi -таълим) кейсда баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган *таълим услубидир*.

Кейс-стади - таълим ахборотлар коммуникация ва бошқарувнинг қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейсда баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида башорат қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли етишишни воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибга келтирилган оптимал усуллари ва воситалари мажмуидан иборат бўлган таълим технологиясидир.

Кейсда тавсифланган аниқ вазият ўрганишни воқеликка боғлаб қўяди: сизга муаммони ҳал этиш бўйича вазиятни таҳлил қилиш таҳминларни шакллантириш муаммоларни аниқлаш кўшимча маълумотни йиғиш таҳминларни аниқлаштириш ва аниқ қадамларни лойиҳалаштириш имконини беради.

Ўқув услуби сифатида қуйидагиларни таъминлайди:

- ўрганилган ўқув мавзу курси бўйича (назарий таълимдан сўнг) билимларни мустаҳкамлашни;

- муаммоларни таҳлил қилиш ва қарорларни яқка тартибда ва гуруҳли қабул қилиш кўникмаларини эгаллашни;

- ижодий ва ўрганиш қобилиятлар мантиқий фикрлаш нутқ ва муҳит шароитларига мослашиш қобилиятларини ривожлантиришни;

- янгиликка қарорларни мустақил қабул қилишга тайёргарликни;

- масъулдорлик мустақиллик коммуникативлик ва эмпатия рефлексиянинг шаклланишини; ўқув маълумотларини ўзлаштириш сифатини ўз текширишини (ўқув дастури якунида).

Муаммонинг ифодаланиши:

1. Муаммо қандайдир ҳаракатлар қилиш учун етилган зарурат билан уни амалга ошириш учун шарт-шароитлар етишмаслиги ўртасидаги зиддиятни белгилайди.

2. Муаммони асосий таркибий қисмлари (муаммо, ости муаммолар)ни ажратади.

Ўқув машғулотида кейсларни ҳал қилиш алгоритми куйидагича:

1. Топшириқни бериш (топшириқни бажариш муддатини белгилаш кейсинг ечимини баҳолаш тизими билан таништириш дарсинг технологик моделини аниқлаш).

2. Таълим берувчининг кириш сўзи. Асосий саволларнинг кўйилиши.

3. Таълим олувчиларни 4-6 кишидан иборат микрогуруҳларга ажратиш.

4. Таълим олувчиларнинг микрогуруҳлардаги фаолиятини ташкил қилиш (микрогуруҳларни номлаш етакчиларни ва эксперт гуруҳини аниқлаш).

5. Микрогуруҳлардаги жавоблар билан танишишини ташкил қилиш.

6. Микрогуруҳлараро мунозарани ташкил қилиш.

7. Таълим берувчининг умумлаштирувчи сўзи унинг вазият ечими тўғрисидаги фикри.

8. Таълим олувчиларни экспертлар томонидан баҳоланиши.

9. Таълим олувчиларнинг машғулоти ҳақидаги фикрлари.

10. Таълим берувчининг яқунловчи сўзи. Машғулоти бўйича хулосалар чиқариш.

Кейсларни ҳал қилишда таълим берувчи таълим олувчиларни йўналтириб туриши ва улардаги фаолликни қўллаши ҳал қилинаётган муаммога нисбатан қизиқиш уйғотиб туриши даркор.

Назорат учун саволлар

1. Ҳозирги кун таълимнинг асосий мақсади нима?

2. Ўқувчи шахсини ривожлантириш деганда нимани тушунасиз?

3. Сизнингча, қайси усул ва методлар тил ва адабиёт таълимнинг хусусиятларига мос тушади?

4. Лингвистик тушунчаларни ўргатишда қандай интерфаол усулларни қўллаш мумкин?

5. Бадиий асар таҳлилининг амалга ошириш учун қулай бўлган замонавий усуллар ҳақида маълумот беринг.

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР
МАЗМУНИ**

Амалий машғулотларни ўтказиш бўйича умумий йўриқнома

Амалий машғулотларда тингловчилар она тили ва адабиёт таълимининг турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, фан ўқитувчисининг фаолият функциялари: (*гностик, лойиҳалаш, конструкциялаш, диагностик, прогностик, коммуникатив, ишлаб чиқариш-технологик, таъкилотчилик*) ҳамда тил ва адабиёт таълими соҳасидаги инновациялар билан танишадилар, улар асосида амалий ишларни бажарадилар. Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда кичик гуруҳларга бўлиб ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув, илмий ва хорижий адабиётлардан, электрон ресурслардан, интернет материалларидан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

1-амалий машғулот. Таълимда замонавий ёндашувлар ва ислохотлар

Таълимда замонавий ёндашув ва компетенцияларнинг асосий функциялари қуйидагилар:

- ёш авлодни кундалик ҳаётга тайёрлаш бўйича ижтимоий талабнинг акс этиши;
- билим, кўникма ва малакаларини ҳамда фаолият усулларини комплекс ҳолда мақсадли қўллаши учун атроф-муҳитдан реал объектларни кўрсатиши;
- турли ўқув предметлари ва таълим соҳалари мазмунининг таркибий қисми бўлиши;
- конкрет масалаларни ечишда назарий билимларни амалиётда фойдаланиш билан боғлаши.

Мақсад: Тингловчиларнинг таълимдаги замонавий ёндашувлар бўйича мавжуд билимларини мустаҳкамлаш, бойитиш. Компетенциявий ёндашув ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш, замонавий ёндашувларни таълим жараёнида фаол қўллашга йўналтириш.

Мазкур амалий машғулот кичик гуруҳларда ишлаш йўли билан амалга оширилади. Тингловчилар 5-6 та кичик гуруҳга бўлинган ҳолда берилган вазифаларни бажарадилар, фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашадилар.

1-топшириқ

Тушунчаларга таъриф беринг (тингловчиларга тушунчалар ёзилган қоғоз берилади. Тингловчилар ўзаро фикрлашиб, тушунчаларга таъриф берадилар):

билим — ўрганилган маълумотларни эслаб қолиш ва қайта тушунтириб бериш;

кўникма — ўрганилган билимларни таниш вазиятларда қўллай олиш;

малака — ўрганилган билим ва шаклланган кўникмаларни нотаниш вазиятларда қўллай олиш ва янги билимлар ҳосил қилиш;

компетенция — мавжуд билим, кўникма ва малакаларни кундалик фаолиятда қўллай олиш қобилияти.

2-топшириқ

1. Компетенциявий ёндашув таълим тизимига қачондан бошлаб жорий этилди?

2. Бу ёндашув таълимда самара беради деб ўйлайсизми? Фикрларингизни асосланг.

3-топшириқ

Таянч ҳамда она тили ва адабиёт фанига оид компетенцияларга муносабат билдириш. Агар компетенцияларни сиз белгилаганингизда уни қандай шакллантирар эдингиз?

Машғулот якунида ғолиб гуруҳ аниқланди ва фаол қатнашган тингловчилар рағбатлантирилади.

2-амалий машғулот. Таълимда халқаро баҳолаш дастурлари – PISA, PIRLS, TIMSS

Булар:

The Programme for International Student Assessment (PISA)

- 15 ёшли ўқувчиларнинг ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан саводхонлик даражасини баҳолаш;

Progress in International Reading and Literacy Study (PIRLS)

- бошланғич 4-синф ўқувчиларининг матнни ўқиш ва тушуниш даражасини баҳолаш;

Trends in International Mathematics and Science Study (TIMSS)

- 4 ва 8-синф ўқувчиларининг математика ва табиий йўналишдаги фанлардан ўзлаштириш даражасини баҳолаш.

Мақсад: тингловчиларнинг таълимда халқаро баҳолаш дастурлари ва уларнинг талаблари ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш. Халқаро баҳолаш дастурлари талабларини таълим жараёнига татбиқ этишга йўналтириш.

1. Тингловчилар халқаро баҳолаш дастурларига оид саволлар бериб, фаоллаштирилади.

2. Слайд орқали PISA – халқаро баҳолаш дастурига оид тестлардан намуналар тақдим этилади. Тестларнинг тузилиши, мантикий жиҳатларига эътибор қаратилади.

3. Ҳар бир тингловчига 5 тадан тест тузиш топшириғи берилди.

4. Тингловчилар ўзлари тузган тестлар билан таништирадilar. Топшириқ натижаси муҳокама қилинади.

3-амалий машғулот. Она тили ва адабиёт дарсларида қўлланиладиган замонавий технологиялар ва инновациялар

Ўз келажагини ўйлаган ҳар бир давлат жамият ҳаётидаги шахсга тааллуқли барча ижтимоий таъсирларни инсоннинг ривожланиши учун, унинг ўзлигини англаши ва намоён қила олиши учун мақсадли равишда йўналтира олган бўлиши керак.

Она тили ва адабиёт дарсларида ривожлантирувчи таълим технологиялар қўлланганда, ўқувчилар қизиқишининг ортишига, билимларнинг кўникмага айланишига, билим сифат-самарадорлигининг ошишига сабаб бўлмоқда.

Мақсад: тингловчиларнинг замонавий технологиялар ва инновациялар ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш. Замонавий педагогик технологияларнинг асосий турлари, хусусиятлари, назарий асослари, улардан амалда самарали фойдаланиш бўйича йўл-йўриқлар бериш. Таълим жараёнига замонавий педагогик технологиялар ва инновацияларни киритиш механизми ҳақидаги назарий билимларни амалда мустаҳкамлаш.

Амалий машғулотни ташкил этиш бўйича савол ва топшириқлар

1. Замонавий технология ва инновациялар бўйича тингловчилар иштирокида “Ақлий хужум” ташкил этилади.

2. Ўқитувчи кичик маъруза орқали интерфаол методлар ҳақида тушунча беради:

Замонавий технологиялар ўқувчиларни эгалламоқчи бўлган билимларни ўзлари қидириб топишга, мустақил фикрлашга ўргатади, таълим жараёнида ўқувчи асосий фигурага айланади. Интерфаол метод таълим жараёнида ўқувчилар ҳамда ўқитувчи ўрасидаги фаолликни ошириш орқали ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштирини фаоллаштирилади,

Интерфаол таълим усули ҳар бир ўқитувчи томонидан мавжуд воситалар ва ўз имкониятлари даражасида амалга оширилади

Интерфаол усуллар қуйидаги шаклларни ўз ичига олади.

- | | |
|---------------------|--------------------------------|
| - жуфтликда ишлаш | - кичик гуруҳда ишлаш |
| - жамоада ишлаш | - ролли ўйинлар |
| - карусель | - муаммолар ва ечимлар дарахти |
| - пресс метод | - мунозара |
| - дебатлар | - давра суҳбати |
| - позицияни эгаллаш | - тақдимот |

Дарс жараёнида бу усуллардан тўғри фойдаланилса, кутилган

натижаларга эришиш мумкин.

Ўқитиш жараёнида амалга ошириладиган айрим ноанаънавий дарс шакллари наъмуналари:

Матбуот конференцияси дарси - дарс мавзусини савол-жавоблар орқали ўзлаштириш машқи.

Қувноқлар, зукколар клуби дарси - қизиқарли саволлар ва уларга жавоблар топиш орқали мустақил фикрлашни ўргатиш машқи.

Гуруҳларда ишлаш дарси - ўқувчиларнинг бир нечта гуруҳларга бўлиниб вазифалар бажаришини ташкил этиш орқали билимларни мустаҳкамлаш машқи.

Ўзаро ўқитиш дарси - ўқувчиларнинг дарс мазмуни бўйича матннинг айрим абзацлари ёки шунга ўхшаш кичик бўлақларини бир-бирларига тушунтиришларини ташкил этиш орқали мавзунини ўзлаштириш дарси.

Ўқувчилар олиб борадиган дарс - дарс мавзусини ўқувчилар томонидан тушунтириб берилишини ташкил этиш орқали ўқувчилар фаоллигини ошириш машқи.

Танлов дарси - синфдаги ўқувчиларнинг бир ёки бир нечта мавзу бўйича олдиндан тайёргарлик кўрган ҳолдаги танловини ташкил этиш, ғолибларни аниқлаш дарси.

Жуфтликда ишлаш (бинар) дарси - ўқувчиларнинг жуфт бўлиб, дарс мавзусини биргаликда ўзлаштириши ёки бир-бирининг билимларини мустаҳкамлаши дарси. Бунда зарур бўлганда жуфтликлар дарс давомида турлича ўзгартирилиши мумкин.

Диалог дарси - ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш ва ўз фикрларини баён этиш кўникмаларини ривожлантириш мақсадида дарс мавзусини ўқувчилар билан диалоглар ташкил этиш орқали тушунтириш ва мустаҳкамлаш машқларидан иборат.

“Айлана бўйлаб машқ” дарси - ўқувчиларнинг навбатма-навбат иштироки асосида янги мавзунини ўзлаштириш ёки ўтилган дарсни такрорлаб, мустаҳкамлаш машқларидан иборат.

Инновациялар дарси - ўқув фани соҳасидаги ёки мактаб ҳаётига тегишли янгиликларни жорий қилиш, шунингдек, ўқувчиларнинг ижодий фаолиятлари натижаларини амалда қўллаш бўйича таклиф ва лойиҳалар билан таништириш дарси бўлиб, ўқувчиларнинг билимларини ошириш, ижодий қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Кичик маъруза якунида тингловчиларга қуйидаги савол билан мурожаат этилади:

Интерфаол ўқитиш усулларидан фойдаланилганда ўқувчилар қандай имкониятларга эга бўладилар?

3. Тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ исталган мавзуда интерфаол таълим шакл ва усулларини қўллаган ҳолда дарс ишланмасини тайёрлайди ва тақдимот қилади.

Амалий машғулотларда фойдаланиш учун ёрдам:

1. Тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ ўзига ном танлайди. Гуруҳларга қуйидаги жадвал тарқатилади.

Дидактик ўйинли машғулотларнинг мақсад ва вазифалари

| Дидактик ўйинли машғулотлар | Мавзу мазмуни қандай бўлганда мазкур машғулотдан фойдаланилади. | Машғулотларнинг дидактик вазифлари | Ўқувчининг фаолияти |
|------------------------------|--|---|--|
| Сюжетли-ролли | Фаннинг турли соҳаларида қўлга киритилган ютуқларни ёритиш, фанлараро боғланишларни амалга ошириш, табиатдаги ва кундалик ҳаётдаги муаммоларни ҳал этиш имконияти бўлганда | Кундалик ҳаётдаги ижтимоий муносабатларни, табиат объектлари ва табиий ҳодисалар ўртасидаги алоқалар ва боғланишларни адабий-бадий тарзда ёритиш | Муайян ролларни бажариш орқали билим, кўникмаларни эгаллаш |
| Ижодий ўйин | Аввал ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни ривожлантириш имконияти бўлганда | Муаммоли вазиятларни аввал ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни ижодий қўллаш орқали ҳал этиш | Ижодий изланиш орқали янги мавзунини ўзлаштириш |
| Ишбилармонлар ўйини; Аукцион | Турли объектларга тавсиф бериш, уларни таққослаш имконияти бўлганда | Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар асосида талабаларнинг дунёқарашини кенгайтириш, касбга йўллаш | Аукционда иштирок этиш орқали янги мавзунини ўзлаштириш |
| Конференция | Фаннинг турли соҳаларига оид билимлар мужассамлашган ва қўлга киритилган ютуқларни ёритиш, фанлараро боғланишларни амалга ошириш имконияти бўлганда | Қўшимча ва маҳаллий материаллар билан таништириш, илмий, илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлаш, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, касбга йўллаш | “Олимлар” мақомини олиб, муайян мавзуларда изланишлар олиб бориш |
| Матбуот конференцияси | Фаннинг турли соҳаларини қамраб олган, талабаларнинг аввал ўзлаштирилган билимларидан фойдаланиш лозим бўлганда | Қўшимча ва маҳаллий материаллар билан таништириш, дарслик, илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлаш | “Олимлар” ва “Мухбирлар” мақомини олиб мавзунини ўзлаштириш |

2. Гуруҳ иштирокчилари дидактик ўйинларнинг қайси тури она тили ва адабиёт фанларидан қайси мавзуларни ўргатиш учун қулайлигини биргаликда аниқлайдилар ва рўйхатини тузадилар.

3. Дидактик ўйинлардан фойдаланган ҳолда битта мавзунинг технологик харитасини ишлаб чиқадилар. Бунда қуйидаги қолипдан фойдаланадилар.

Дарснинг технологик харитаси модели

1. Фан номи: Фан номини ёзиш керак.
2. Синф: Машғулот қайси синф учун тайёрланганлиги кўрсатилади.
3. Мавзу: Дарс мавзусини фан бўйича ўқув дастури асосида нечанчи дарслиги, тақвим-мавзу режа асосида нечанчи дарслиги, ўқув чораги ва

хафтаси ҳамда дарсликнинг нечанчи бетидалиги, нечанчи параграфлиги, нечанчи боб ёки бўлимлиги кўрсатилади.

4. Дарс тизими: 3 та дарс тизимидан (1.Оғзаки нутқ малакаларини ривожлантиришга қаратилган. 2. Матнни ўқиш, тушуниш малакаларини ривожлантиришга қаратилган. 3. Оғзаки нутқ, ўқиш малакаларини ривожлантиришга қаратилган) мавзу мазмунига кўра тизимлардан бирини белгиланади.

5.Дарс типи: Аралаш дарс (ёки нутқ малакаларини ҳосил қилиш)

6.Дарс тури: (дарс турлари дарс типининг мазмунига кўра белгиланиб дарс тури дарс типидан келиб чиқади) Масалан, Лексикани ўргатиш ва оғзаки нутқни ривожлантириш. Яъни “Аралаш дарс” типи мазмунидан келиб чиқади.

7. Вақт: 45 дақиқа дарснинг ҳар бир босқичи учун зарур вақт ҳисоблаб чиқилади.:

Ташкилий қисм: 4 мин.

Уйга берилган вазифани сўраш: 10 мин.

Янги мавзу баёни: 20 мин.

Мустаҳкамлаш: 5 мин

Уйга вазифа бериш: 3 мин

Баҳолар билан таништириш: 3 мин

Дарс жараёни:

Дарснинг батафсил, босқичма-босқич бориши кўрсатилади.

Ташкилий қисм: (ишлатилган методнинг номи) 4 мин.

Уйга берилган вазифани сўраш (қўлланилган методнинг номи) 10 мин.

Жараёни ташкил қилиш қадамлари.

1.

2.

3.

Метод жараёнининг ташкил қилиш қадамлари, минутлари билан кўрсатилиши зарур.

1.

2.

3.

Янги мавзу баёни: (ишлатилган методнинг номи) 20 мин.

Ўқитувчининг кириш: сўзи, янги мавзу баёни.

Жараёни ташкил қилиш қадамлари.

1.

2.

3.

Ўқувчиларнинг янги мавзунини ўзлаштириши устидаги иши (метод ёки машқнинг номи) мин.

Жараёни ташкил қилиш қадамлари.

1.

2.

3.

Мустаҳкамлаш: (ишлатилган методнинг номи) 5 мин.

Жараёни ташкил қилиш қадамлари.

1.

2.

3.

Уйга вазифа бериш. 3 мин

1. Оғзаки

2. Ёзма.

3. Ижодий.

Баҳолар билан таништириш. 3 мин

Изоҳ (ўқитувчига ёрдам сифатида)

Ушбу бўлимда ўқитувчи, дарснинг ўқувчи учун ички имкониятларини кўрсатиб ўтиши, ўқитувчи дарс жараёнида ўқувчиларни қандай қийинчиликларга дуч келиши мумкинлиги ва муаммони ҳал қилиш учун қандай педагогик усуллар қўлланиши мумкинлигини айтиб ўтишлари керак.

Кенгайтириш (ушбу бўлим ўқитувчи маҳоратига боғлиқ ҳолда киритилади).

Дарс давомида ва дарсдан ташқари вақтда, кейинги дарсларда ушбу дарс мавзусини қандай қилиб давом эттириш ва ривожлантириш мумкинлиги бўйича таклифлар бериш. Мисол учун, бу ўқувчиларга бериладиган ижодий топшириқлар, дарс жараёнида ўқувчи гуруҳлари ишлаб чиққан материаллар кўргазмаси ёки дарсликда кўрсатилган уйга вазифага қўшимча ижодий топшириқ, масалан, мавзу асосида расм чизиб келиш топшириғини бериш мумкин.

8. Гуруҳлар тақдмоти ўтказилади. Топшириқни бажариб бўлгандан сўнг ҳар бир гуруҳ ўз ишини тақдимот қилади яъни мавзу бўйича ўз фикрларини ҳимоя қиладилар.

9. Гуруҳлар иши баҳоланади. Ўқитувчи мавзу матнлари бўйича тингловчилар ўзлаштира олмаган маълумотларни беради.

**КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР
МАЗМУНИ**

V. КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

Мавзу: Она тили ва адабиёт фанлари ҳамда уларни ўқитишнинг долзарб муаммолари

Режа:

1. Она тили ва адабиёт фанлари ривожини таъминлашнинг устувор вазифалари.

2. Алишер Навоий номидаги ТДЎТА университети фаолияти.

1. Она тили ва адабиёт фанлари ривожини таъминлашнинг устувор вазифалари

Ҳар қайси халқнинг она тили ва адабиёти унинг миллий руҳи ва ўзлигининг маданий-маърифий олами, миллий ғоясининг асоси ҳисобланади.

Ҳозирги тез ўзгараётган глобаллашув даврида ўзбек тили ва адабиётининг ўзига хос бетакрор хусусиятлари, тарихий тараққиёти, унинг бугунги ҳолати ва истиқболи билан боғлиқ масалаларни чуқур ўрганиш, бу борада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини кучайтириш, таълим-тарбия тизимининг барча бўғинларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишнинг ҳамда ушбу соҳа бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг сифатини тубдан ошириш давр талабидир. Бугунги кунда она тили ва адабиётимиз ривожини, унинг ўқитилиши билан боғлиқ вазифалар қуйидагилардан иборат:

- ўзбек тили ва адабиётини, унинг ўзига хос хусусиятлари, илмий-назарий, фалсафий-эстетик асосларини, замонавий таълим технологияларини чуқур ўзлаштирган, давр талабларига жавоб берадиган юксак малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш;

- илмий, бадиий ва бошқа соҳалардаги адабиётларни ўзбек тилидан инглиз ва бошқа хорижий тилларга, шунингдек, жаҳон тилларидан она тилимизга юксак сифат ва маҳорат билан таржима қиладиган таржимонлар тайёрлаш;

- ўқувчи ёшларни, ўзбек тили ва адабиётининг бой имкониятларидан фойдаланган ҳолда, Ватанга муҳаббат ва садоқат, умумбашарий кадриятларга ҳурмат руҳида, кенг дунёқарашга эга бўлган ва мустақил фикрлайдиган, маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш;

- ўзбек тили ва адабиёти, фольклорининг тарихан шаклланган адабий, лингвистик мактаблари ва таълимотларини, мумтоз ва замонавий методларини, буюк аждодларимизнинг ўзбек ва жаҳон тилшунослиги ривожига қўшган ҳиссаси, уларнинг илмий мероси, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи, унинг бошқа тиллар билан алоқалари, ўзбек тили ва адабиётининг ривожланиш истиқболлари билан боғлиқ илмий муаммоларни тадқиқ этиш;

- ўзбек тилининг асл табиати ва хусусиятларини тўла акс эттирадиган мукамал академик ва ўқув адабиётларини яратиш, унинг товушлар тизими ва уларнинг ёзувда акс этиши, жорий имло қоидаларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар тайёрлаш, турли мавзу ва йўналишлар бўйича луғат ва қомуслар, рисола ва дарсликлар яратиш;

- умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишнинг янги ва самарали методлари бўйича илмий изланишлар олиб бориш, илғор педагогик технологияларни кенг жорий этиш;

- она тилимизнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, унинг компьютер услубини, ўзбек тили ва дунёдаги етакчи хорижий тиллар асосида таржима дастурлари ва луғатлар, электрон дарсликлар яратиш билан боғлиқ илмий-методик ишланмалар, амалий тавсиялар тайёрлаш ва бу борада эришилган натижаларни амалиётга кенг татбиқ этиш.

2. Алишер Навоий номидаги ТДЎТА университети фаолияти

Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги фармони асосида ташкил этилган. Бугунги кунда университетда 3 та - Ўзбек филологияси, Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш, Ўзбек-инглиз таржима факультети ва 15 та кафедра фаолият кўрсатади. Шунингдек, университет хузурида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази ҳам ташкил этилган.

Университет ўзбек тили ва адабиёти бўйича филолог мутахассислар, илмий-педагог кадрлар, юқори малакали таржимонлар тайёрлаш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, соҳа ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, айти шу йўналишларда илмий ва ўқув-методик материалларни ишлаб чиқиш бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади.

Университетда ўзбек адабиётшунослиги ва тилшунослигининг етакчи олимлари жамланган. Филология фанлари доктори, профессорлар Ҳамидулла Дадабоев, Шухрат Сирожиддинов, Абдулхай Собиров, Бахтиёр Менглиев, Нурбой Жабборов, Муҳаббат Қурбонова, Афтондил Эркинов, Баҳодир Каримов, Зулхумор Холмонова, Нодира Мустафоева, Саодат Муҳамедова, Бахтиёр Абдушукуров, филология фанлари номзоди, доцентлар Абдулла Улуғов, Нозлия Нормуродова, Гулноза Одилова, Иномжон Азимов, Рашид Зоҳидов, Каромат Муллаҳўжаева, Узоқ Жўрақулов, Зайнобиддин Абдурашидов, Дилнавоз Юсупова, Нурмурод Чинниқулов, Ҳошимжон Аҳмедов каби олимлар янги университетда филологиянинг долзарб муаммоларини тадқиқ қилиш илмий лойиҳаларига бошчилик қилмоқдалар.

Университет профессор-ўқитувчилари ёшларга таълим-тарбия бериш билан бир қаторда "Ўзбек адабиёти тарихи" кўп жилдлик монографиясини (7 жилд), "Ўзбек давлатчилиги тарихида сўғдий тил ва ёзувининг тутган ўрни (мил.ав. II милодий XII асрлар)", "Талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштириш", "Шарқ сайёр сюжетларининг Ғарб адабиётига рецепцияси", "Ўзбек тили ва унинг таржимаси билан боғлиқ электрон ва банк-молия терминларининг кўп тилли луғатлари"ни яратиш устида илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқда:

Шунингдек, университет профессор-ўқитувчилари ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида 2017-2020 йилларга мўлжалланган

“Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари (36-65-жилдлар), “Ўзбек адабиёти дурдоналари” 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш”, “Ҳозирги глобаллашув даврида ўзбек тили, унинг тарихий тараққиёти ва истиқболлари (вазифавий услублар таҳлили асосида)”, “Глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини ва замондош образи” ва “Фольклоршунослик атамалари луғати” каби қатор илмий лойиҳаларда иштирок этмоқдалар:

Университет олимлари бошқа ташкилотлар томонидан турли илмий лойиҳаларга ҳам жалб этилган. Жумладан, университет профессор-ўқитувчилари Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг “Шарқ Ренессанси даври алломалари ва мутафаккирлари асарларининг илмий-фалсафий ва бадиий-лингвистик тадқиқи” фундаментал лойиҳасида (Ш.Сирожиддинов, Г.Одилова), UNESCO доирасида “Осиёда ўқитувчилар тайёрлашнинг гендер баҳолаш” (Н.Эгамбердиева), Erasmus + Европа Иттифоқи гранти доирасидаги “Ўқув дастурларини Европа компетенциялари асосида ривожлантириш мезонлари” (Н.Нормуродова), ЎЗР ФА Тарих институти билан ҳамкорликда “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи тарихшунослиги: назарияси ва шаклланишининг тарихий босқичлари” (Н.Мустафоева), “Ўзбек адабиётининг инглиз тилига таржималари” (З.Мирзаева), Алоқа вазирлиги томонидан эълон қилинган “Ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўқитиш” (Н.Жалилов) лойиҳасида қатнашмоқдалар.

Университетда 2017–2021 йилларга мўлжалланган ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган. Унга кўра:

- Ўзбек тили, адабиёти ва фольклорининг тарихан шаклланган адабий, лингвистик мактаблари ва таълимотлари, буюк аجدодларимиз бадиий тафаккурининг бебаҳо ёдгорликларини чуқур тадқиқ этиш асносида талаба ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат, умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида, мустақил фикрлайдиган ва кенг дунёқарашга эга бўлган маънавий етук инсонлар қилиб тарбиялашга асос бўладиган фундаментал илмий тадқиқотлар яратилади.

- Ўзбек тили тарихи, мамлакатимиз ҳудудида милоддан аввал ва милоднинг дастлабки асрларида яшаган бақтрийлар, сўғдийлар, хоразмийлар ва бошқа элат ва миллатлар тилининг ўзбек тили тараққиётида тутган ўрни, қадимги туркий тилга мансуб ёзма ёдгорликлар тили, қиёсий тилшунослик, ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари тадқиқ этилади.

- Ўзбек тилининг XX асрдаги ривожланиш хусусиятлари, қардош ва қардош бўлмаган тилларнинг ўзаро муносабатлари, тилшунослик тарихи, турли лингвистик мактабларнинг илмий-назарий қарашлари, ўзбек тили фонологияси, лексикология, грамматика, ономастика, социолингвистика, лингвопоэтика, этнолингвистика, психолингвистика, когнитив тилшунослик, прагматик тилшунослик ва лингвомаданиятшунослик каби тилшунослик соҳалари ривожлантирилади.

- Энг қадимги адабий ёдгорликлардан тортиб ҳозирги адабий жараёнгача бўлган даврдаги манбаларни яхлит бадиий тизим сифатида ўрганиш асосида ўзбек халқи поэтик тафаккурининг шаклланиш тарихи, тадрижий ривож ва тараққиёт қонуниятлари очиқ берилади.

- Ўзбек мумтоз адабиётининг илгари илмий муомалага киритилмаган янги манбаларини тадқиқ ва тарғиб этиш, ўрта асрларда мамлакатимизда юз берган маънавий-маданий юксалиш жараёнининг бадиий адабиётга таъсири, мумтоз адиблар ижодиётининг ўзбек тили ва адабиёти тарихида тутган ўрни, Алишер Навоий адабий меросининг умумбашарий аҳамияти, бошқа мумтоз адиб ва шоирларимизнинг сўз қўллаш маҳорати, мумтоз адабиёт бадиияти масалалари ўрганилади.

- Ўзбек тили ва адабиётини таълимнинг барча босқичларида ўқитишнинг энг самарали методлари ишлаб чиқилади, хориж тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда замонавий ва миллий филологик таълимнинг илғор методикалари яратилади.

- Ўзбекистон илм-фани, маданияти ютуқлари билан дунё халқларини мунтазам таништириб бориш учун илмий-техник адабиёт таржимонларини, турли халқаро йиғинларда ўзбек тилига ва ўзбек тилидан хориж тилларига синхрон таржимонлар тайёрланади.

- Она тилимизнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, тил ҳақидаги билимларни электрон тизимлаштириш ва лингвистик таҳлил алгоритмларини тузиш, лингвистик тадқиқотларга ахборот-коммуникация технологияларни жорий этиш, ўзбек тили ва дунёдаги етакчи хорижий тиллар асосида таржима дастурлари ва луғатлар, электрон дарсликлар яратиш билан боғлиқ илмий-методик ишланмалар яратилади.

Мазкур йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида 2017-2021 йилларда университет ниҳоясига етказилган илмий тадқиқотларнинг натижаларини ўқув жараёнига татбиқ этиш орқали магистрлик дастурлари ва олий малакали кадрларни тайёрлаш дастурлари такомиллаштирилади ва жорийланиши асосида янги илмий мактаблар шакллантирилишига алоҳида эътибор қаратади.

Университет халқимиз маърифий салоҳиятини ошириш, ёш авлодда китобхонлик маданиятини шакллантириш, ўзбек ва жаҳон адабиётининг сара асарларини тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан шартнома имзолаган. Унга биноан, университетнинг профессор-ўқитувчилари телетомошабинларга “Навоийни биламизми?”, “Адабиёт дарслари”, “Ҳикматлар тилга кирганда”, “Саводхонлик мактаби”, “Сўзлар сўзлар тарихдан”, “Жаҳон адабиёти”, “Ёш таржимон ижодхонаси”, “Funny English”, “Алишер Навоийнинг жаҳон тамаддунига таъсири”, “Навоий сабоқлари”, “Бир байт шарҳи”, “Хамсахонлик”, “Тилга эътибор – элга эътибор”, “Адабий жараённи ўрганамиз”, “Халқ дostonлари” каби телевизион дастурларини олиб бормоқдалар.

Шунингдек, ЎзМТРК билан ҳамкорликда “Навойдан завқ олган дунё”

мавзуида 30 минутлик ҳужжатли фильм яратилиб, телетомошабинларга тақдим этилди.

Университет жамоаси белгиланган истиқбол режадаги вазифаларни бажариш, янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмалари яратиш борасида ҳам самарали изланишлар олиб бормоқдалар. Чунончи, “Жаҳон адабиёти” фанидан дарслик, “Мутахассисликка кириш (Тилшуносликка кириш)”, “Ўзбек тили ва адабиёти таълимида замонавий ахборот технологиялари”, “Тилшунослик назарияси (Тилшуносликка кириш)”, “Ҳозирги ўзбек тили”, “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Адабиётшунослик назарияси”, “Ўзбек диалектологияси”, “Интеграллашган инглиз тили” “Инглиз тилида ёзиш кўникмалари”, Умумий психология, Мутахассисликка кириш фанларидан ўқув қўлланмалар, Математик мантиқ фанидан масалалар тўплами, Араб тилидан машқлар тўплами тайёрланиб, нашрга топширилди.

Университет профессор-ўқитувчилари ўқув жараёни билан бир қаторда илмий салоҳиятини ошириш борасида ҳам тинимсиз иш олиб бормоқдалар. 2016-2017 йилда университетда Мустафоева Нодира “Мустамлака ва совет даври тарихшунослигида Ўзбекистоннинг XX аср маданияти”, Одилов Ёрқинжон “Ўзбек тилида энантасемия”, Ҳасанова Шафоат “Тўтинома” типидagi қўлёзмаларнинг текстологик қиёсий тадқиқи”, Абдушукуров Бахтиёр “Қиссаси Рабғузий” лексикаси” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилдилар.

Илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш, амалга оширилаётган инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар билан профессор-ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчиларни мунтазам таништириб бориш учун университетда доимий фаолият кўрсатувчи муаммовий илмий-методологик семинар ташкил этилган. Унда ўзбек тилшунослиги, адабиётшунослиги, фольклоршунослик, хорижий тилларни ўрганиш муаммоларига бағишланган туркум учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Университет ўзининг интернет Веб-сайтига эга бўлиб, университет ҳаётига оид янгиликлар, ижод намуналари, илм-фандаги энг охириги янгиликлар бериб борилади.

Университет мамлакатдаги фан соҳалари ичида ўзбек тилшунослиги, адабиётшунослигига таянч ва етакчи олий таълим муассасаси бўлгани учун ҳам унинг даврий нашрларига талаб катта. Университетда нашриёт-матбаа уйи фаолият кўрсатмоқда. Нашриётда ўқув, ўқув-услубий, илмий, бадиий асарлар, умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари учун ўқув қўлланма ва дарсликлар, университетнинг газета ва журналлари чоп этилади,

Университетда бир неча даврий нашрлар мавжуд. “Адабиётшунослик олами” журнали тилшунослик ва адабиётшунослик, фольклоршуносликнинг муҳим илмий-назарий масалалари ва долзарб муаммоларига бағишланади, бу фанлардаги энг сўнгги изланишлар, янги тадқиқотлар билан илмий жамоатчиликни таништириб боради. Журнал йилда 4 марта чоп этилади.

“Миллий мерос” журнали умумтуркий, ўзбек, Шарқ адабиёти ва маданияти намуналари, манбашунослик, матншунослик ва матнчилик

адабиётшунослик ҳамда таржимашунослик тадқиқотлари, миллий тарих, археология, этнография, антропология, нумизматика, маданиятшунослик бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижалари ўзбек, инглиз ва рус тилларида нашр этилади. Журнал йилда 4 марта чоп этилади.

“Академик тадқиқ: лингвистика” журнали тилшунослик муаммоларига оид тадқиқотлар, тилшуносликнинг илмий-назарий масалалари, бу фандаги энг сўнгги изланишларни илм аҳлига таништириб боради. Журнал йилда 4 марта чоп этилади.

Университетда “Миллат кўзгуси” газетаси ҳам мавжуд. Газета ойда бир маротаба чоп этилиб, унда давлат сиёсатининг таълим, илм-фан соҳасидаги устувор йўналишлари, университет ҳаёти, илмий, ижодий, маънавий-маърифий ва бошқа соҳалардаги фаолияти, профессор-ўқитувчи, докторант, магистрант ва талабаларнинг илмий-педагогик ютуқлари, илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳаларининг узвий боғлиқлиги ёритилган мақолалар чоп этиб борилади.

Университетда “Ўзбекистон: тил ва маданият” номли йиллик илмий тўплам ҳам чоп этилади. Унда ўзбек тилшунослиги, адабиётшунослиги, фольклоршунослигига доир фундаментал тадқиқотлар, фан олдидаги муаммолар ечимига доир илмий мақолалар чоп этиб борилади. Тўплам серияли бўлиб, ўзбек тили, адабиёти, тарихи, халқимизнинг диний - маънавий ҳаёти билан боғлиқ муҳим тадқиқотларга бағишланади.

Университет ўзининг миссияси доирасида бир қанча ташаббусларга бошчилик қилади. Жумладан, алифбо, имло, китобхонлик маданияти, адабий танқид, чет тилларини ўрганиш, ўқитишнинг замонавий методологиясини ишлаб чиқиш, замон талабларига мос дарсликлар яратиш хусусида телевидение, радио, вақтли матбуот орқали аниқ таклифлар билдирилди. Шунингдек, “Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишнинг янги ва самарали методлари”, “Бугунги ёшлар адабий танқидчилиги”, “Мумтоз адабиёт ва китобхонлик маданияти”, “Хорижий тилларни ўқитишда она тилининг аҳамияти: муаммолар, ечимлар ва истикболли режалар” мавзуида ўтказилган конференцияларда тилшунослигимиз, адабиётшунослигимизнинг долзарб вазифалари ва уларни ҳал этиш таклифлари ўртага ташланди. “Ҳозирги адабий жараённи баҳолаш лабораторияси”, “Лингвистик экспертиза, таҳрир ва таржима маркази” ташкил этилиб, ечимини кутаётган муаммолар амалий ҳал этилмоқда.

Изоҳ: Тингловчилар мазкур маълумотлар билан танишиб, ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича тегишли катедраларга мурожаат этадилар. Кафедра профессор-ўқитувчиларининг илмий-тадқиқот ишлари, фанлар йўналишидаги янгиликлар билан танишадилар. Кўчма машғулот давомида университет профессор-ўқитувчилари ва деканлари иштирокида давра суҳбати ташкил этилади.

Худудий малака ошириш тармоқ марказларида кўчма машғулот вилоятдаги тегишли олий таълим муассасаси имкониятидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилиши мумкин.

The title is framed by two large, dark blue brackets. The left bracket is on the left side, and the right bracket is on the right side, both pointing towards the center where the title is located.

КЕЙСЛАР ТҮПЛАМИ

VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

КЕЙС-СТАДИ

“Кейс-стади” инглизча сўз - (case – аниқ вазият, ҳодиса, study - ўқитиш). Бу метод аниқ вазият, ҳодисага асосланган ўқитиш методи ҳисобланади. Кейс-услуб – реал иқтисодий ёки ижтимоий вазиятлар таърифини қўллайдиган таълим бериш техникасидир. Бунда *вазият* деганда бирон аниқ ҳодисанинг таърифи назарда тутилади. Гуруҳга ҳақиқий ахборот такдим этилиб (у ҳақиқий ҳодисага асосланган ёки ўйлаб чиқилган бўлиши мумкин), муаммоларни муҳокама қилиш, вазиятни таҳлил этиш, муаммонинг моҳиятини ўрганиб чиқиш, уларнинг тахминий ечимларини таклиф қилиш ва бу ечимлар орасидан энг яхшисини танлаб олиш таклиф этилади. *Афзалликлари.*

“Кейс – стади” методи бўйича ишлаш:

1. Якка тартибда ишлаш (умумий вақтнинг 30% и):

Вазият билан танишиш (матн бўйича ёки сўзлаб бериш орқали). Муаммоларни аниқлаш. Ахборотни умумлаштириш. Ахборот тахлили.

2. Гуруҳда ишлаш (умумий вақтнинг 50% и):

Муаммоларни ҳамда уларнинг долзарблиги бўйича кетма-кетлигини (иерархиясини) аниқлаш. Муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш. Ҳар бир ечимнинг афзал ва заиф жиҳатларини белгилаш. Муқобил ечимларни баҳолаш.

3. Якка тартибда ва гуруҳда ишлаш (умумий вақтнинг 20% и):

Муқобил вариантларни қўллаш имкониятларини асослаш. Ҳисобот ҳамда натижалар такдимотини тайёрлаш.

Модул бўйича қуйидаги кейс топшириқларини бажариш тавсия этилади:

1-кейс. Комила Камолова ҳамда Акбар Турсунов бир туманда ишлашади. Туманда она тили ва адабиёт фани йўналишида ўтказилган семинарнинг муҳокама жараёнида Комила Камолова тест синови ўзи ўқитаётган фанлар табиатига тўғри келмаслиги, ўқувчини ўз устида ишлашга ундамаслиги ҳақида гапириб, ундан воз кечиш кераклигини айтди. Акбар Турсунов эса, аксинча, тест ўқувчидан тезкорликни, фактларни аниқ билишни талаб этиши, қисқа муддат давомида ҳаммани баҳолаш имконини беришини айтиб, уни она тили ва адабиёт дарсларида қўллаш тарафдори эканини билдирди.

Сиз қайси ўқитувчининг фикрига қўшилган бўлардингиз? Фикрингизни мисоллар ёрдамида асосланг.

2-кейс. Ҳозирги кунда лотин графикасига тўлиқ ўтиш масаласи долзарб муаммо бўлиб турибди. Нима учун бу жараён кўп йиллардан буён ниҳоясига етмаяпти? Муаммони бартараф этиш бўйича таклифларингизни тайёрланг.

3-кейс. Амалдаги лотин алифбосида айрим ҳарфий бирикмалар ва

харфлар ёзилиши мураккаб бўлганлиги туфайли эътирозларга сабаб бўлмоқда. Латин ёзувини ислоҳ қилиш юзасидан қандай таклиф бера оласиз? Сизнингча, айрим товушларни ҳарфий бирикмалар орқали ифодалаган маъқулми ёки битта ҳарф билан? Алифбодаги қайси ҳарф ўзгартирилиши керак деб ўйлайсиз ва уни қандай ифодалаш тарафдорисиз?

4-кейс. Ҳозирги она тили ва адабиёт таълимида сизни ўйлантираётган қандай муаммолар бор? Мазкур муаммоларни ечиш бўйича аниқ таклифларингиз борми? Айти мавзуда илмий-методик ёки мулоҳазали мақола тайёрланг.



**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ
МАВЗУЛАРИ**

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

“Она тили ва адабиёт фанин ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар” ўқув модулини тинловчиларга ўқитиш билан бирга уларнинг мустақил изланишларини ташкил этиш ва материалларни мустақил ўзлаштирилишини назорат қилиш учун қуйидаги мавзуларда мустақил иш мавзулари берилади.

1. Бугунги кунда етакчи методист олимлар томонидан олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари ва уларнинг таҳлили.

2. Она тили ва адабиёт ўқитишда инновациялар ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш.

Мустақил таълим мавзуларини бажариш бўйича тавсиялар

Илмий ва фундаментал фан соҳасида илмий изланишлар олиб бориш ва бугунги куннинг етакчи методист олимлари, адабиётшунос ва тилшунослар томонидан олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари таҳлил қилинади, уларда акс этган ғояларни, тажриба-синов натижаларини таълим жараёнига татбиқ этиш бўйича мустақил равишда тавсиялар ишлаб чиқилади.

The word "ГЛОССАРИЙ" is centered between two large, dark blue, L-shaped brackets that form a partial frame around the text.

ГЛОССАРИЙ

VII. ГЛОССАРИЙ

| ЎЗБЕКЧА | ИНГЛИЗЧА | РУСЧА |
|------------------|----------------------|--------------------------------|
| адабиёт | literature | литература |
| анъана | traditional | традиционный |
| асар | composition | произведение |
| бадий асар | artistic composition | художественные произведение |
| баҳс-мунозара | discussion | спорить |
| воқеа, ходиса | event | событие |
| ёзувчи | writer | писатель |
| замонавий | modern | современный |
| ижобий | affirmative | положительный |
| ижод | creative work | творчество |
| ижодкор | creator | творец |
| композиция | compozition | композиция |
| мазмун | content | содержание |
| матн | text | текст |
| машхур | famous | известный |
| маъруза | lecture | лекция |
| метод | method | метод |
| методика | methodology | методика |
| мулоқот | conversation | общение |
| мустақил фикрлаш | independent mind | мыслить самостоятельно |
| натижа | result | результат |
| ноанъанавий | nontraditional | нетрадиционный |
| нутқ | speech | Речь |
| озодлик | freedom | свобода |
| муаммо | problem | проблема |
| санъат | art | искусство |
| сўз | word | слово |
| таъкидламоқ | accentuare | утверждать |
| талаб | demand | требование |
| танишиш | getting acquainted | знакомство |
| тушунча | notion | понятие |
| фикр | mind | мысль |
| фикр-мулоҳаза | reflection | рассуждение |
| хулоса | conclusion | вывод |
| шеър | poetry | стихотворение |
| шоир | poet | ПОЭТ |
| эришмоқ | achieve | достигнуть |
| юксак | high | высокий |

| | | |
|------------------------|----------------------|-------------------------------|
| ўзбек | uzbek | узбек |
| адабий таъсир | literary effect | литературное влияние |
| адабий муҳит | literaty envivonment | литературная среда |
| азалий ва абадий | old, ancient | древний и вечный |
| бадий ижод | artistic creation | художественное творчество |
| ботиний | innerical | скрытый |
| дўст | friend | друг |
| мумтоз адабиёт | classical literary | классическая литература |
| маҳорат | skill | мастерство |
| мурувват | humanity | милосердие |
| одоб | civility | воспитанность, воспитание |
| олижаноблик | nobility | великодушные, благородство |
| технология | technology | технология |
| асарлар | creative work | произведение |
| интерфаол | interactive | интерактивный |
| мустақил | independent | самостоятельный |
| илмий-методик | scientific-methodic | научно- методический |
| мустақил фикрлаш | independent thinking | творческое мышление |
| матн устида ишлаш | working on the text | работа над текстом |
| ўзлаштириш натижаси | result of progress | итоги успеваемости |

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

IX. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
2. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. “Халқ сўзи” газетаси. 2010 йил 13 ноябрь.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2009.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
5. Мирзиёев Ш.М. Буёқ келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.

МАХСУС АДАБИЁТЛАР

1. Абдукодиров А. Умумий ўрта таълим мактабларида янги ахборот технологиялардан фойдаланиш муаммолари. Узлуксиз таълим журнали, 2002. № 4, 60-73 бетлар.
2. Абдураимова М. Она тили таълимида илғор педагогик технология. – Тошкент, 2005. 3-26 бетлар.
3. Абдуллаева Ш. Таълимда ўқитувчи шахси ва ўқувчи фаолиятини уйғунлаштириш технологиялари. // Молодой учёный, 2016 йил. 9-сон.
4. Азизхўжаева Н. Ўқитувчи тайёрлашнинг педагогик технологияси. – Т.: ТДПУ, 2000.
5. Айтматов Ч., Шохонов М. Чўққида қолган овчининг охи-зори. – Т.: Шарқ, 1998.
6. Активные формы преподавания литературы. Лекции и семинары на уроках в старших классах (составитель: Р.И. Альбеткова). – М.: Просвещение, 1991.
7. Алиев А. Маънавият, кадрият ва бадиият. – Т.: Академия, 2000. 631 б.
9. Ангеловский К. Учителя и инновации. Книга для учителя. Перевод с македонского В.П. Диденко – М.: Просвещение. 1991.
10. Анисимов В.В. , Грохольская О.Г. Подготовка будущих учителей по предметам педагогического цикла // Ж.. Педагогика. – 2000. № 9 54 – 60 с.
11. Ахлиддинов Р.С. Мактабни бошқариш санъат. – Т.: Фан, 2006.
12. Баубекова Г. Педагогическое мастерство.- Т., 2000.
13. Бекмирзаев Н. Нутқ маданияти ва нотиклик асослари. – Т.: Фан, 2007.
14. Бекмирзаев Н. Нотиклик асослари. – Т.: Фан, 2006.
15. Воителева Т.М. Теория и методика обучения русскому языку. – М.: Дрофа, 2006. Долимов У., Аъламова М. Иншо устида ишлаш. – Т., 1987.
16. Долимов У. Иншони қандай ёзиш керак? – Т., 1972.

17. Долимов У. Тингловчиларни иншога тайёрлаш. – Т., 1991.
18. Ёқуббекова М. Иншо – билим ва саводхонлик мезони. – Андижон, 1992.
19. Жўрақулов У. Худудсиз жилва. – Т.: Фан, 2006.
20. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. – Т.: Ниҳол, 2013, 2016.
21. Иноятлов У.И., Муслимов Н.А., ва бошқ. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб. – Т.: Илм-Зиё, 2012.
22. Исмаилов С. Ўрта мактабнинг юқори синфларида иншо. – Т., 1973.
23. Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси (ўқув қўлланма) – Т.: Muharrir, 2011.
24. Ковшиков В.А., Пухов В.П. Психоллингвистика. Теория речевой деятельности. – М.: Астрель, 2007.
25. Ж.Коллер. Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия, 2011.
26. Литневская Е.И., Багрянцева В.А. Методика преподавания русского языка в средней школе. – М.: Акад.проект, 2006.
27. Мадаев О. Иншо қандай ёзилади? – Т., 1991.
28. Мадаев О., ва бошқалар. Ёзма иш турлари: иншо, баён, диктант. – Т.: Турон замин зиё, 2017.
29. Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб...// Ўзбек тили ва адабиёти, 2012. – 5-сон, 3-16-бетлар.
30. Муслимов Н., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. – Т.: Фан ва технологиялар, 2013.
31. Назаров К. Ўзбек тили ва адабиётидан баҳо меъёри (V-XI синфлар учун). – Т.: Ўқитувчи, 1990.
32. Расулов А. Бадий асарга ёндашув асослари. Филолог-магистрлар учун ўқув қўлланма. – Т.: Университет, 2003.
33. Расулов А. Мустақиллик даври адабиётининг назарий-методология асослари. – Т.: Маънавият, 2012.
34. Уразова М.Б., Эшпулатов Ш.Н. Бўлажак ўқитувчининг лойиҳалаш фаолияти. // Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ Ризографи, 2014.
35. Ўзбек адабий танқиди. Антология. – Т.: Turon-iqbol, 2011.
36. Қодиров П. Тил ва эл. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2005.

Электрон таълим ресурслари

www.edu.uz – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги сайти
www.uzedu.uz – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
www.eduportal.uz, www.multimedia.uz – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумий ўрта дастурларини ривожлантириш маркази

www.bimm.uz – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ

www.gyu.uz – Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази:

www.school.edu.ru – Умумий ўрта портали (рус тилида)

www.alledu.ru – “Интернетда таълим” портали (рус тилида)

www.rostest.runnet.ru – Тест олиш сервери (рус тилида)

www.allbest.ru – Интернет ресурслари электрон кутубхонаси (рус тилида)

www.mathtype.narod.ru - Online-дарсликлар (рус тилида)

www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати портали

www.istedod.uz – “Iste’dod” жамғармаси сайти

www.edunet.uz – мактаблар, ўқувчи ва ўқитувчилар сайти

www.tdpu.uz – Низомий номидаги ТДПУ сайти

www.ziyonet.uz – Ижтимоий ахборот таълим портали

www.ziyo.uz – Маънавий-маърифий мавзудаги материаллар сайти

www.e-adabiyot.uz – Адабиётга оид сайт

www.natib.uz – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг расмий сайти